СССР Давлат китоб палатаси
2 ЯНВ 1991 й.
Республикамиз палатасига

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● № 17 (10.013). ● 1991 йил 24 январь ● пайшанба ● Баҳоси 6 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят қўмитаси III пленумининг ҚАРОРИ

КПСС XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди қарорларини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг мавқеи

Вилоят партия қўмитаси пленуми таъкидлайдики, КПСС XXVIII съезди сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни чуқурлаштириш, ички партиявий муносабатларни такомиллаштириш учун янги имкониятлар яратди. У КПССни ўз характери бўйича байналмилал, социалистик танлов партияси сифатида асраб қолди.

Жумҳурият коммунистлари ҳаётида Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди муҳим воқеа бўлди. У Ўзбекистон Комунистик партиясининг КПСС таркибида мустақиллигини белгклади ва асосий ҳужжатлар — Устав ҳамда «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиши, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» Ҳаракат дастурини ишлаб чиқиб тасдиқлади.

Съезднинг дастурий ҳужжатлари партия оммаси ҳокимиятининг устунлигини, асосий бўғин ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари учун таянч зарурлигини алоҳида куч билан таъкидлади. Жумҳурият иқтисодиётидаги оғир аҳволни бартараф этиш, аҳоли барча табақалари турмуш шароитини яхшилашда туб ўзгаришларга эришиш учун жамиятни жипслаштириш вазифаси олдинги ўринга қўйилди. Бу мураккаб муаммоларни ҳал этишда барча жамоаларда коммунистларнинг авангардлигини тиклаш, Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурини амалга оширишда уларнинг фаоллиги, принципиаллиги ва қатъийлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шу билан бирга кўпгина бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятларини сust қайта қурмоқдалар, анъананавий иш шаклларидан воз кечдилар-у лекин янгиларини ишлаб чиқмадилар. Кўплари партия йиғилишларини, сайлаб қўйиладиган коллегиал органларнинг мажлисларини ўтказмай қўйдилар. Натижада интизом, сиёсий фаоллик кескин даражада бўшашди, дастур ва устав талаблари бажарилмаяпти.

Бошланғич партия ташкилотларининг кўпчилиги меҳнат жамоаларини бозор муносабатларига тайёрлаш жараёнларига киришмаганлар. Иқтисодий ўқув расмиятчилик учун ташкил этилган. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўллари етарлича фаол изланмаяпти.

Пленум таъкидлайдики, партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишда раҳбар коммунистлар роли пастлигича қолмоқда. Уларнинг кўпчилиги партком ва бюро аъзолари бўла туриб коммунистлар фаоллигини оширишга, бошланғич партия ташкилотлари ишини яхшилашга етарлича таъсир ўтказмаяптилар.

Вилоятда рўй берган бундай аҳволни партия қўмиталари ҳузуридаги ижтимоий-сиёсий марказлар фаолияти кенг қулоч ёймаётганлиги, тарғибот-ташвиқот ишларидаги фаоллик пасайиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бошланғич партия ташкилотларининг пассивлигига кўп жиҳатдан қатъий позициянинг йўқлиги, жамиятимизни ривожлантиришнинг муҳим ҳаётий масалаларида КПСС марказий органлари ҳаракатининг сустлиги сабаб бўлмоқда. Вилоят партия қўмитаси бўлимлари, шаҳар, ноҳия партия қўмиталари ҳам ишни йўлга қўйишда бошланғич партия ташкилотларига ёрдам кўрсатиш билан етарлича шуғулланмаяптилар.

Натижада кўпгина партия ташкилотларининг жанговарлиги йўқолиб пассивлиги кучайгач партиядан коммунистларнинг чиқиши кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида вилоят бўйича 1200 дан ортиқ киши партиядан чиқди, партия ҳисобидан ўчмай 400 дан ортиқ киши кетиб қолди.

Вилоятдаги сиёсий кайфият кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашганлиги билан белгиланмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми камаймоқда, хўжалик алоқалари узилмоқда, нормал меҳнат мароми тез-тез бузилиб турибди, аҳолининг турмуш даражаси пасаймоқда.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят қўмитаси пленуми қарор қилади:

1. ССЖИ Президентининг жамиятда сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш юзасидан халқ депутатлари IV съездида баён этган таклифлари қўллаб-қувватлансин, партия ва ҳукумат белгилаган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш барча даражадаги бошланғич партия ташкилотларининг бош вазифаси деб ҳисоблансин.

Пленум меҳнат коллективларидан партия ташкилотларини четлаштиришга қаратилган ғояларни, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органларини, ССЖИ Қуролли кучларини сиёсатдан ҳоли қилиш тўғрисидаги талабларни кескин қоралайди. Чунки бундай ҳоллар инсон ҳуқуқларини тўғридан-тўғри поймол қилиш, ССЖ Иттифоқида амал қилаётган қонунчиликни бузиш демакдир.

Бошланғич партия ташкилотларининг янги мавқеи шундан иборатки, улар бозор муносабатига ўтиш бўйича Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастури доирасида ўз позицияларини ишлаб чиқишлари, энг аввало меҳнаткашлар манфаатларининг ҳимоячилари бўлишлари керак. Бу вазифани амалга оширишда етилган масалалар бўйича жамоатчилик фикрини аниқлаш, меҳнаткашлар талабларини амалга оширишга қаратилган қарорларни жамоа бўлиб ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш асосий иш шаклларидан ҳисобланади.

2. Барча коммунистлар учун миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ва байналмилал тарбияга бўлган мавжуд ёндошувларни кўриб чиқиш муҳим ишдир. Вилоят меҳнаткашлари ва аҳолисининг барча муҳит гуруҳларини умумий мақсад — тартиб, осойишталик, кишилар эҳтиёжини қондириш йўлида жипслаштириш, байналмилал тарбия устида доимий ғамхўрлик ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, ҳар бир коммунистнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак.

3. Партия қўмиталари ва ташкилотлари регионлар ва меҳнат коллективларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилашдан четда турмасинлар. Мазкур корхона учун иқтисодий фаолиятда, шунингдек, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишда энг мақбул шаклни тушунтиришга фаол киришиш зарур. Бунда унинг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш заруратини қаттиқ талаб этиш, маъмурият ва касаба уюшма қўмиталари бу соҳада маълум тадбирлар кўришга ундаш керак.

Партия ташкилотлари назоратни кучайтиришлари, бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқувини ташкил этиш бўйича ишларда раҳбарлар масъулиятини оширишлари лозим.

Шаҳар, ноҳия партия қўмиталари иқтисодий ўқувни йўлга қўйишда бошланғич партия ташкилотларига методик ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилсин. Вилоят партия қўмитасининг ижтимоий-сиёсий маркази бир ойлик муҳлат ичида машғулотлар программасини, зарур методик материалларни ишлаб чиқсин ва жойларга юборсин, лекторларга ёрдам кўрсатилсин. Бозор иқтисодиёти масалалари бўйича иқтисодчи олимлар баҳс клубининг иши йўлга қўйилсин, зарур тавсиялар ишлаб чиқилсин ва жойларга юборилсин. Бозор иқтисодиётининг асосий муаммолари бўйича социологик тадқиқотлар, жамоатчиликдан фикр сўрови ўтказилсин, улар вилоят матбуотида эълон қилинсин.

4. Ҳозирги пайтда партия ташкилотлари фаолиятида партиянинг аграр сиёсатини амалга ошириш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Қишлоқ партия ташкилотлари барча қишлоқ меҳнаткашларининг жамоат чорвачилигида моллар туёғини кўпайтириш, яйловлар ва озуқа экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш заруратини онгли равишда тушунишларига, ҳар бир оила молларга эга бўлиши, ёш моллар ва озуқа сотиб олиши, ўз маҳсулотини сотиши учун имкониятлар бўлишини таъминлашга эришсинлар. Шаҳар меҳнаткашларига эса корхоналарнинг ёрдамчи чорвачилик хўжалигини ташкил этиш, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш базасини ривожлантириш зарурати тушунтирилсин.

Қишлоқ партия ташкилотлари фаолияти ҳамма ишда ўз ҳукмини ўтказиш ва маъмуриятчилик усулларини бартараф этишга қаратилсин. Ерга эгалик қилишга келганда ижтимоий жамоа ва давлат хўжаликларини ривожлантириш имкониятлари қандай таъминланса, янги қарор топаётган шахсий оилавий ижара хўжалиги имкониятлари ҳам шундай таъминлансин. Қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик тармоғи, қайта ишлаш саноати моддий-техника базасини устун даражада ривожлантиришга, омборхоналар, фирма-магазинлар тармоғини кенгайтиришга эришилсин.

Партия ташкилотлари, раҳбар коммунистлар қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришга, қишлоқ хонадонларини ичимлик сув ва газ билан таъминлашга, мактаб ва мактабгача болалар муассасалари қурилиши муаммоларини ҳал этишга эътиборни кучайтирсинлар. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастури талабларини бажаришга эътибор кучайтирилсин.

(Давоми 2-бетда).

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг фармони

ССЖИ ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1961 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ 50 ВА 100 СЎМЛИК ПУЛ БЕЛГИЛАРИНИ ТЎЛОВ УЧУН ҚАБУЛ ЭТИШНИ ТЎХТАТИШ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ОМОНАТЛАРИДАН НАҚД ПУЛ БЕРИШНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат аҳолиси жуда кўпчилигининг манфаатларини кўзлаб, чайқовчиликка, порахўрликка, тақиқланган фаолиятдан, даромад олишига, сохта пуллар ясалишига, меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш учун ҳамда пул муомаласини ва истеъмол бозорини нормаллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг:

— ССЖИ Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини ҳамма турдаги тўловларга қабул этишни 1991 йил 23 январь ноль соатдан бошлаб тўхтатиш ҳамда уларни бошқа қимматларга эга бўлган пул белгиларига ва 1991 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик банкнотларга ССЖИ Вазирлар маҳкамаси белгилаган тартибда алмаштириб бериш тўғрисидаги;

— 1991 йилнинг биринчи ярмида, 1991 йил 23 январдан бошлаб Жамғарма банки муассасаларида ва бошқа ҳамма банкларда фуқароларнинг омонатларидан нақд пул берилишини ойига энг кўпи 500 сўм билан чеклашни жорий этиш ҳақидаги;

— 1991 йилнинг 23 январидан бошлаб Жамғарма банкидаги ва бошқа банклардаги омонатлар эгаларининг мол ва хизмат ҳақини нақд пулсиз тўлаш учун маблағдан чекланмаган миқдорда фойдаланиш ҳуқуқини кўзда тутадиган тартиб ўрнатиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Юқорида кўрсатилган пул белгиларини алмаштириб бериш ва муомаладан чиқариш тадбирлари қатъий бажарилишини таъминлаш учун:

— ССЖИ Давлат банки, ССЖИ Молия вазирлиги ва ССЖИ Давлат Хавфсизлиги Комитети ходимларнинг махсус гуруҳларини ташкил этиб, уларни жумҳуриятларнинг марказий (миллий) банкларига, ССЖИ Давлат банкининг жумҳурият банкларига юборсинлар. Мазкур гуруҳларга ушбу Фармонни бажариш устидан назорат қилиш, ҳатто зарурат бўлган тақдирда банк муассасаларини бевосита бошқариш вазифасини ўз зиммасига олишгача фавқулодда ваколатлар берилсин;

— ССЖИ Молия вазирлиги билан ССЖИ Давлат Хавфсизлиги Комитети ушбу Фармонни бажаришда жойлардаги банк муассасаларини, давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхоналарни, бирлашмаларни, ташкилотлар ва муассасаларни назорат қилишни ва уларга зарур ёрдам беришни ташкил этсинлар;

— ССЖИ Ички ишлар вазирлиги билан ССЖИ Давлат Хавфсизлиги Комитети банклардаги бойликларни муҳофаза қилишни ва шу бойликларни ташиш вақтида уларни кўриқлашни кучайтиришни таъминласинлар.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 22 январь.

ССЖИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1991 йил 22 январь

ССЖИ ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1961 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ 50 ВА 100 СЎМЛИК ПУЛ БЕЛГИЛАРИНИ ТЎЛОВ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТЎХТАТИШ ҲАМДА УЛАРНИ АЛМАШТИРИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ОМОНАТЛАРИДАН НАҚД ПУЛ БЕРИШНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси ССЖИ Президентининг «ССЖИ Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини тўлов учун қабул қилишни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаш тўғрисида»ги 1991 йил 22 январь Фармонини бажариш юзасидан **қарор қилади:**

1. ССЖИ Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини ҳамма турдаги тўловлар учун қабул қилиш, шунингдек уларни банклар, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар томонидан бериш тўхтатилсин.

2. Барча давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар зиммасига 1991 йил 23 январь куни бошланиши билан ўз кассаларидаги ССЖИ Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгилари қолдиқларини ҳужжатлаштириб, уларни 1991 йил 23 январда 3 соат мобайнида ўзларига хизмат қилувчи давлат муассасасига топшириш мажбурияти юклатилади.

Банклар муассасалари пул белгиларининг мазкур қолдиқларини 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгилари мавжудлиги ҳақида тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳужжатнинг биринчи нусхаси асосида ёзиб қўйилган қиймати бўйича шартли ҳисобда қабул этиб, сўнгра ССЖИ Давлат банки белгилаган тартибда текширилгандан кейин мазкур пулни ташкилотнинг ҳисоб жорий варақасига ёзиб қўяди.

Ўз кассаларидаги пулнинг ўтувчи қолдиғини мустақил белгилайдиган кооперативлар ва бошқа ташкилотлар бўйича ССЖИ Давлат банки кассаларнинг топширилган қолдиқларини кооператив (ташкилот) ҳисобига ўтказиб ёзиш масалаларини ҳал этишда банк муассасалари фаолият соҳаси жиҳатидан кооператив (ташкилот) соҳасига ўхшаш давлат корхоналари ва ташкилотлари учун белгилаб қўйган энг кўп касса қолдиқларига асосланиб иш тутади.

3. Ишловчи фуқароларнинг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини алмаштириб бериш учун корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларда раҳбарият, молия-ҳисоб шўъбалари, касаба уюшма комитетлари, меҳнат жамоаларининг кенгашлари вакилларидан камида 5 кишидан иборат комиссиялар тузилсин.

Корхона ва ташкилотлар 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни мазкур комиссиянинг қарорига биноан фақат корхона, бирлашма, ташкилот, муассаса штатида турган ходимларга, шунингдек вақтинча хизмат сафарига юборилган шахсларга уч кун мобайнида 1991 йил 23 январдан 25 январгача сўнгги иш йилидаги ўртача иш ҳақи миқдорида алмаштириб беради. Бунда айирбошланадиган пул миқдори бир ишловчи ҳисобига 1000 сўмдан ошиб кетиши мумкин эмас. Пулларни алмаштириб бериш қайдномасининг комиссия аъзолари имзолаган бир нусхаси хизмат қилувчи банк муассасасига топширилиши лозим.

Аризада белгиланган энг кўп миқдордан ортиқча 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пуллар борлиги маълум қилинганда корхона, ташкилот комиссияси алоҳида қайднома тузади, унинг бир нусхаси мазкур қимматга эга бўлган пулларни алмаштириб бериш масалаларини ҳал этиш юзасидан район (шаҳар) ижроия комитети ҳузурида махсус тузиладиган комиссияга топширилиши лозим.

Корхона ва ташкилотлар ходимлардан қабул қилиб олинган 1961 йил нусхасидаги ҳамма 50 ва 100 сўмлик пулларни хизмат қилувчи банк муассасасига 1991 йил 26 январдан кечикмай тегишли тарзда расмийлаштирилган қайдномаларнинг нусхалари билан бирга топширадилар.

Пенсионерларнинг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини бошқа қимматга эга бўлган пулларга пенсияларни берувчи жамғарма банки муассасалари ёки почта ташкилотлари 200 сўмгача ёки ойлик пенсия миқдорида алмаштириб бериб, алмаштириш қайдномасини тузади. Ойлик пенсия миқдоридан ортиқча 50 ва 100 сўмлик пуллар миқдори пенсионерлардан аризага мувофиқ алмаштирилмасдан, алоҳида қайднома бўйича қабул этилади ва кўриб чиқиш учун район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги комиссияга топширилади. Алмаштириш қайдномалари моддий жавобгар шахсларнинг имзолари қўйилиб, алмаштириладиган ва қабул этилган пуллар билан биргаликда тегишли банк муассасасига 1991 йил 26 январдан кечикмай топширилади.

Доимий иш ва яшаш жойидан ташқарида даволанишда, дам олишда бўлган фуқаролар пулларини дам олиш уйларида, санаторийларда, касалхоналарда ва бошқа даволаш-профилактика муассасаларида тузиладиган комиссияларда алмаштириб оладилар.

Дам олишда, даволанишда бўлган фуқароларга даволаш-профилактика муассасалари бир киши ҳисобига кўпи билан 500 сўм пулни алмаштириб бериб, алоҳида қайднома тузади, унинг бир нусхаси хизмат қилувчи банк муассасасига топширилади. Дам олувчининг, беморнинг қолган пули дам олиш уйи, санаторий, касалхона, бошқа даволаш-профилактика муассасаси томонидан дам олувчи, бемор ишлаб турган (пенсия, нафақа олаётган) корхона, ташкилот, муассаса номига телеграф орқали юбориш ҳақи олинмай, ўтказилади. Тўланган ҳақ миқдори маҳаллий молия идораси томонидан даволаш-профилактика муассасига Иттифоқ бюджетининг маблағлари ҳисобидан почта-телеграф корхонасининг квитанцияси (рейстерлари)га мувофиқ қопланади. Кўрсатилган пул жўнатмасини олган корхона, ташкилот, муассаса бу пулларни юқорида кўрсатилган тартибда, бундан аввал 500 сўм миқдорида алмаштириб берилганини ҳисобга олиб алмаштиради. Белгиланган миқдордан ортиқча пул учун алоҳида қайднома тузилиб, шундан кейин кўриб чиқиш учун район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги комиссияларга топширилади. Дам олишда, даволанишда бўлган фуқаролар юборган пуллар бўйича пулларни алмаштириб бериш ҳақидаги аризалар район (шаҳар) ижроия комитетлари ҳузуридаги комиссиялар томонидан фуқаро даволаш-профилактика муассасасидан иш жойига қайтиб келганидан кейин уч кун мобайнида қабул қилинади.

Бошқа фуқаролар район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги айирбошлаш комиссияларига 50 ва 100 сўмлик пуллари борлигини маълум қилиб, уларни топширадилар.

Фуқаролар уч кун муддат ичида, яъни 1991 йил 26 январгача топширмаган пуллар алмаштириб берилмайди.

4. Алмаштириб бериш учун белгиланган миқдордан ортиқча 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштириб бериш масалаларини ҳал этиш учун район (шаҳар) ижроия комитети ҳузурида молия, банк, маъмурий органларнинг вакиллари иштирокида депутатларнинг комиссиялари тузилсин. Комиссиялар 10 кун муддатда фуқароларнинг аризаларига биноан даромад манбалари ва кўрсатилган қимматга эга бўлган пулни олганлиги асослилиги ва қонунийлигини кўриб чиқиш натижаларига мувофиқ пулларни алмаштириб бериш ёки алмаштиришни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилади.

Район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги комиссиянинг пулни алмаштириб беришни рад қилиш тўғрисидаги қарори хусусида шу мақсад учун махсус тузиладиган вилоят, ўлка, республика депутатлар комиссияларига шикоят қилиниши мумкин. Ана шу комиссияларнинг қарорлари узил-кесил ҳисобланади.

5. Фуқароларнинг белгиланган энг юқори миқдордан ортиқча 50 ва 100 сўмлик пулларни топириш ҳақидаги аризаларида пуллар қандай топилганлиги: даромад манбаи ёки мазкур пулни олган вақти ва жойи, уларнинг олиниши ва жамғарилиши қонунийлигини тасдиқловчи бошқа маълумотлар кўрсатилиши керак. Ариза берувчи сабаблар ва асосларни тушунтирмаган белгиланган миқдордан ортиқча пулларни алмаштириб бериш масалаларини, шунингдек 1991 йил 15 январдан кейин топширилган аризаларни (3-бандда кўрсатилган ҳоллар бундан мустаснодир) комиссиялар кўриб чиқмайди.

6. СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат божхона назорати Бош бошқармаси СССР Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини 1991 йил 23 январдан 25 январгача СССРга ўтказмасин.

7. Ажнабий фуқароларнинг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пуллари СССР ташқи иқтисодий банки муассасалари томонидан ёки ажнабий валюта билан операция бажарувчи банк муассасалари томонидан СССР ташқи иқтисодий банки муассасаларининг валютани айирбошлаш вақтида берган квитанциясига мувофиқ миқдорда 1991 йил 23—25 январь мобайнида алмаштириб берилади.

СССРдаги ажнабий давлатларнинг дипломатия, консуллик ва бошқа ваколатхоналарида ишловчи ажнабий фуқароларнинг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик банкнотлари СССР Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги дипломатик корпус билан ишлаш Бош бошқармаси орқали СССР Давлат банки билан келишилган тартибда алмаштириб берилади.

8. 1991 йил 23 январдан бошлаб 1991 йилнинг биринчи ярми учун барча банклар — СССР жамғарма банки, СССР Давлат банки, республикаларнинг марказий (миллий) банклари муассасаларида, тижорат, кооператив банкларда ва бошқа банк муассасаларида фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаш жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, омонатчи ой давомида ўз омонатидан фақат истиқомат (иш) жойидаги жамғарма банки муассасасида кўпи билан 500 сўм миқдорида нақд пул олиш ҳуқуқига эгадир (омонатдан нақд пул беришнинг кўрсатилган энг кўп нормаси 1991 йил 23 январдан 31 январгача бўлган даврга ҳам жорий этилади). Бунда иш ҳақи ва пенсияларни омонатларга нақд пулсиз ўтказиш юқорида кўрсатилган лимитга кирмайди.

СССР Давлат банки билан СССР жамғарма банки нақд пул беришнинг энг кўп миқдори — ойига 500 сўм бўлишига риоя этиш тартибини ўрнатсин.

Омонатчи СССР жамғарма банкининг ҳисоб-китоб чекларидан фойдаланиб, омонат (омонатлар) маблағларидан нақд пулсиз моллар сотиб олиш, хизматлар ҳақини тўлаш учун, шунингдек маблағларни бир омонатдан иккинчисига ўтказиш учун чекланмаган миқдорда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

9. Банк муассасаларида 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни қабул қилиш, топшириш, ҳисоб варақасига ўтказиш тартиби масалалари юзасидан қарорларни СССР Давлат банки қабул этади.

10. СССР Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштириб бериш ва муомаладан чиқариш тадбирлари қатъий бажарилишини таъминлаш учун СССР Давлат банкига, СССР Молия вазирлигига ва СССР Давлат Хавфсизлиги Комитетига СССР Президентининг фармони ва ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш юзасидан фавқулодда ваколатлар, ҳатто зарурат бўлган тақдирда банк муассасаларини бевосита бошқариш вазифасини ўз зиммасига олиш ҳуқуқи берилган махсус ходимлар гуруҳини республикаларнинг Марказий (миллий) банкларига, СССР Давлат банкининг республика банкларига юбориш топширилсин.

СССР Молия вазирлиги билан СССР Давлат Хавфсизлиги Комитети ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ҳамда жойларда банк муассасаларига, давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхоналарга, бирлашмаларга, ташкилотлар ва муассасаларга зарур ёрдам беришни ташкил этсинлар.

СССР Ички ишлар вазирлиги билан СССР Давлат Хавфсизлиги Комитети банклардаги бойликларни муҳофаза қилишни ва уларни ташиш вақтида қўриқлашни кучайтириш чораларини кўрсинлар.

Бош вазир В. ПАВЛОВ

Ишлар мудири М. ШКАБАРДНЯ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1. Фуқароларнинг СССР Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 22 январида қабул қилинган қарорининг амал қилиш муддатини узайтириш масалалари юзасидан кўп сонли мурожаатларини иноботга олиб, минтақа ва республикадаги пул муомаласининг ўзига хос жиҳатларини назарда тутиб, иттифоқ органлари билан келишилган ҳолда СССР Давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини алмаштириш қуйидаги муҳлатгача чўзилсин:

— барча давлат, кооператив, жамоат корхоналари ва ташкилотлари учун 1991 йил 24 январь куни соат 13.00 га қадар;

— фуқаролар учун 1 февралга қадар;

— шунга мувофиқ комиссияларнинг ишлаш муддати 1991 йил 10 февралига қадар узайтирилсин.

2. Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш республика комиссияси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 23 январь.

КПСС XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди қарорларини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг мавқеи

(Давоми. Боши 1-бетда).

5. Бошланғич партия ташкилотлари меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлашда, меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришда коммунистлар масъулиятини оширсинлар, жиноятчиликка, чайқовчилик, махфий иқтисодиёт, коррупцияга қарши курашда, ҳуқуқ бузилишининг олдини олишда улар фаоллигини кучайтирсинлар, бу йўналишда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминласинлар.

Жамоат тартибини сақлашда меҳнаткашлар ва вилоят аҳолисининг кўнгилли иштирок этиш шакллари тиклансин.

6. Ғоявий-тарбиявий фаолиятда асосий куч ишнинг индивидуал шаклларига, янгича шароитда партиянинг роли ва аҳамиятини одамларга сабр-тоқат билан тушунтиришга ва Ўзбекистон Компартиясининг дастурий ҳужжатларини амалга ошириш бўйича амалий тадбирларга қаратилсин.

Коммунистларни ғоявий чиниқтиришнинг муҳим воситаси бўлган сиёсий ўқув роли тиклансин, 1991 йилнинг биринчи чораги давомида шаҳар, ноҳия партия қўмиталари ижтимоий-сиёсий марказларини шакллантириш ниҳоясига етказилсин, улар фаолияти бошланғич партия ташкилотлари эҳтиёжларига бўйсундирилсин. Шаҳар, ноҳия партия қўмиталари ҳузуридаги ёш коммунистлар мактаблари фаолияти тиклансин.

Одамлар билан мунтазам мулоқотда бўлиш, сиёсий ишларда шахсан иштирок этиш барча бўғиндаги раҳбар коммунистларнинг биринчи галдаги бурчи деб ҳисоблансин. Шу мақсадларда вилоят партия қўмитасининг мафкура комиссияси зиммасига ягона сиёсий кунларни ўтказиш тажрибасини қайта кўриб чиқиш, матбуот маркази фаолиятини кучайтириш, коммунистларни хабардор қилишнинг бошқа шакл ва воситаларини излаб топиш вазифаси юклансин. Вилоят партия қўмитаси бюроси вилоят партия ташкилотида шундай тажрибани қўллаши керакки, токи сайлаб қўйиладиган партия органининг ҳар бир аъзоси, раҳбар коммунист ойда бир марта мажбурий равишда меҳнат ёки ўқув жамоасида бўлиб, бошланғич партия ташкилотига амалий ёрдам кўрсатсин.

Бошланғич партия ташкилотлари куч-ғайрати ёшларни тарбиялашга, уларда юксак ахлоқий ва маънавий принципларни қарор топтиришга қаратилсин. Йигит ва қизларга сиёсатдан ўзини олиб қочиш, маънавиятсизлик, ҳаёсизлик, молпарастлик каби ярамас одатлардан ҳоли бўлган ҳаётий мақсадлар тавсия этилсин. Бунинг учун эса аввало асосий касб эгаси бўлган педагогларнинг обрў-эътиборини ҳар томонлама ошириш, зиёлиларнинг бошқа тоифасига мансуб бўлган врачлар, клуб ходимлари, журналистлар, кутубхоначилар ва бошқа касб эгаларининг иш ва турмуш шароитини яхшилашга фаол кўмаклашиш зарур.

Партия қўмиталари ва ташкилотлари санъат ва маданиятни даромад манбаига айлантириб юборишга бўлган уринишларга қарши кескин курашишлари керак.

Коммунистларни сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларда баҳс юритишга ўргатиш устида қайғурмоқ зарур. Бу мақсадларда ижтимоий-сиёсий марказлардан, партия ўқуви системасидан, баҳс клубларидан, партия матбуотидан фойдаланилсин. Партия ходимлари, оддий коммунистларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишларининг жанговарлиги ва мунтазамлигига эришиш зарур.

7. Пленум ҳисоблайдики, партия ташкилотлари кадрларни танлаш ва юқори лавозимларга кўтаришга таъсир ўтказишдан ўзларини четга олмаслиги керак. Қобилиятли ташкилотчиларни, меҳнат жамоалари дарғаларини жамоа бўлиб излаш, улар атрофида жамоатчиликнинг ижодий фикрини уйғотиш, аниқ ёрдам кўрсатиш лозим. Партия ташкилотлари айни пайтда коммунистларда ходимларнинг ўз сиёсий, ишчанлик ёки маънавий фазилатлари билан раҳбарлик лавозимларга номувофиқ эканлигини баҳолай олиш қобилиятини ҳам қарор топтиришлари керак. Барча оғзаки ва ёзма тарғибот воситалари билан меҳнат жамоаларида тегишли кайфият туғдириш, юқори партия органларининг раҳбар коммунистлари орқали бундай ходимларни раҳбарлик лавозимларидан четлаштиришга эришиш зарур.

8. Вилоят, шаҳар, ноҳия партия қўмиталари, бошланғич партия ташкилотлари барча даражадаги депутат—коммунистлар иши устидан ишончли назоратни таъминласинлар. Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурини, маҳаллий партия қўмиталари ва ташкилотлари қабул қилган қарорлар Советлар орқали қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида уларнинг ҳисоботлари вақти-вақти билан тинглаб борилиши керак.

9. Бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини бошқа ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва ташкилотлар билан ўзаро мулоқот ва тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида қуришлари, уларда ишлаётган коммунистлар орқали бундай ҳаракатлар ва ташкилотлар фаолиятини меҳнат жамоаларида аҳволни барқарорлаштиришга, бозор иқтисодиёти шароитида ишларга тайёргарлик кўришга, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлашга қаратишлари керак.

Ветеранлар ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш зарур.

Пленум ёшлар ва хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг иштирокини таъминлаш бўйича партия ташкилотлари олиб бораётган ишлар алоҳида аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш муҳим деб ҳисоблайди.

Вилоят партия қўмитаси бюросига ёшлар ва хотин-қизлардан бир қатор ходимларни шаҳар, ноҳия партия қўмиталарининг биринчи котиблигига, шаҳар, ноҳия ижроия қўмиталарининг раислигига тавсия этиш имкониятларини кўриб чиқиш таклиф этилсин. Шаҳар, ноҳия партия қўмиталари ҳам ўз навбатида раҳбарлик лавозимларига ёш ходимларни, хотин-қиз кадрларни қидириб топиш ва тавсия этиш юзасидан шундай ишларни олиб борсинлар.

Бошланғич партия қўмиталари сайлаб қўйиладиган партия фаоллари таркибида ёшлар ва хотин-қизлар сонини кўпайтириш имкониятларини кўриб чиқсинлар, улардан энг муносибларини ўрта бўғин раҳбарлигига, бригадирликка, звено бошлиқлигига ва бошқа лавозимларга тавсия этсинлар.

Ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаракатларини ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилсин.

10. Янги шароитда тураржойлар бўйича партия қўмиталари олиб бораётган ишларда алоҳида фаоллик талаб этилаяпти. Пленум шаҳар, ноҳия партия қўмиталарига ўз хизмат фаолияти юзасидан аҳоли билан доимий алоқада бўлиб турувчи коммунистларни бирлаштириб ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари тузиш имкониятларини кўриб чиқишни тавсия этади. Уларга меҳнат жамоаларидан тажрибали ташкилотчилар ва тарғиботчилар юборилсин, партия қўмиталари котиблари, партия аппарати ходимлари ҳисобга қўйилсин. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувчи органлар таркибига коммунистларнинг сайланишига эришилсин. Бошланғич партия ташкилотлари тураржойларда ўтказилаётган тадбирларда иштирок этсинлар, маиший, маданий, сиёсий характердаги ўз тадбирларини ўтказиб борсинлар. Ҳозирги ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича маҳалла комитетлари ҳузурида бахс клублари ташкил этиш тажриба қилинсин. Уларга партия ва совет ходимлари масъул этиб қўйилсин.

Пленум бир қатор кам сонли бошланғич партия ташкилотларининг тармоқ ёки ҳудудий белгилар бўйича ягона йирик партия ташкилотларига бирлашиш юзасидан интилишларини ижобий баҳолайди. Бундай бирлашмалар коммунистлар куч-ғайратини тармоқ (ёки ҳудуд)даги меҳнаткашлар ва аҳоли манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, Ўзбекистон Компартияси сиёсатини ҳаётга тадбиқ этишга қаратиш имконини беради.

11. Вилоятнинг барча даражадаги партия қўмиталарига, бошланғич партия ташкилотларига партия оммаси ҳокимиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш вазифаси топширилсин. Сайлаб қўйиладиган органлар муҳим муаммолар бўйича қарорларни олдин бошланғич, цех партия ташкилотларида ишлаб чиқилиб баҳолангач, коммунистлар ва партиясизлар фикри ўрганилгач, қабул қилсинлар.

Бошланғич партия ташкилотлари котиблари кенгашларининг фаолият кўлами кенгайтирилсин. Вилоят партия қўмитаси ташкилий партиявий ва ҳуқуқ ишлари бўлими котиблар кенгаши фаолиятини умумлаштирсин, улар ишидаги энг яхши тажрибаларни вилоят матбуотида эълон қилсин.

Вилоят партия қўмитаси комиссиялари ҳузурида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг тармоқ кенгашларини тузиш, сайлаб қўйиладиган органлар ва доимий комиссияларга бошланғич партия ташкилотлари котибларини сайлашни тажриба қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Партиявий таъсирнинг барча воситалари билан қабул қилинган қарорлар ижросига эришилсин, партия қўмиталари ва бюронинг назорат қилиш вазифаси кучайтирилсин, коммунистларнинг, шу жумладан раҳбарларнинг партия йиғилишларида устав талаблари ва хизмат бурчларини қандай бажараётганликлари ҳақида ҳисоботларини тинглаб бориш тажрибаси тиклансин.

12. Партия қўмиталари ва ташкилотлари коммунистлар бирлиги, партиявий ўртоқлик руҳини мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни кўрсинлар.

Партияга қабул бўйича талабчанлик бўшашмасин. Бунда бирон-бир ижтимоий гуруҳ алоҳида ажратилмасин, лекин айни пайтда партияга қабул қилишда ишчилар, деҳқонлар эътибордан четда қолмасин.

Партиядан чиқиш масаласини муҳокама қилиш чоғида коммунистик ғоялардан бутқул узилган, антикоммунистик йўлга ўтиб олган кишиларга ялиниб-ёлвормаслик керак. Бироқ, партиядан чиқиш тўғрисида ариза берган, лекин Ўзбекистон Компартияси қўйган мақсад ва вазифаларга ҳайрихоҳ бўлган кишилар билан бирма-бир гаплашиш, уларнинг партияга қайтиш имкониятларини йўққа чиқармаслик лозим.

Коммунистларнинг жамоатчилик фаолиятида зарур маънавий ва моддий мадад кўрсатилсин, уларнинг гражданлик ҳуқуқлари чеклаб қўйилгудек бўлса ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан ҳимоя қилинсин.

Сайлаб қўйиладиган партия фаолларининг ижтимоий ҳимояланиш кафолатига риоя этилишига эришилсин, партия ташкилотлари котиблари мақоми оширилсин.

13. Вилоят партия қўмитаси аъзолари, унинг бўлимлари, шаҳар, ноҳия партия қўмиталари фаолият марказини бошланғич партия ташкилотларига кўчирсинлар. Шундай тартиб ўрнатилсинки, партия аппарати ходими иш вақтининг камида ярмини меҳнат жамоаларида ўтказсин, жойларда ишни ташкил этиш бўйича аниқ ёрдам кўрсатсин.

Вилоят партия қўмитаси бўлимларига ҳар кварталда бир марта бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ўқувини ташкил этиб бориш топширилсин. Унда партия ишининг муҳим муаммолари бўйича методик тавсиялар, ахборот материаллари ишлаб чиқилсин ва тарқатилсин.

14. Пленум вилоят, партия ташкилоти партия бюджетининг аҳволидан, молиявий интизомнинг бузилишидан, бадаллар тўлиқ тўланмаётганлигидан ташвиш чекилаётганлигини билдиради.

Шаҳар, ноҳия партия қўмиталарига, бошланғич партия ташкилотларига бир ойлик муддат ичида партияга аъзолик бадалларини тўлашда қарздор бўлиб қолганларни кўриб чиқиш, интизомни мустаҳкамлаш, партия қўмиталари ва ташкилотларининг тижорат фаолиятлари ҳисобидан партия бюджетини тўлдира бориш чораларини кўриш топширилсин. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасидан партия ташкилотлари тижорат фаолияти шакллари ва усуллари ва партиянинг молиявий маблағини тақсимлаш механизми бўйича тавсияларни ишлаб чиқишни ҳамда жойларга юборишни тезлаштириш сўралсин.

Партия бюджетининг бир қисмини бошқа ишлардан озод этилмаган бошланғич партия ташкилотлари котибларига тўлаш, партия фаолларини ва тарғиботчиларни рағбатлантириш учун ажратиш зарур деб ҳисоблансин.

Вилоят партия қўмитасининг ишлар Бошқармасига КПСС Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланма тақсимлашда лимитларнинг ярмини бошқа ишлардан озод этилмаган партия ташкилотлари котиблари ва оддий коммунистларни рағбатлантириш учун ажратишни (шаҳар, ноҳия партия қўмиталарининг котиблар кенгашлари билан ҳамкорликда тақдими бўйича) кўзда тутиш топширилсин.

Пленум барча коммунистларни партия ва жамият учун ҳозирги қийин даврда ўз сафларини янада жипслаштиришга, меҳнат жамоалари ҳаётида бошланғич партия ташкилотларининг авангардлик ролини кучайтиришга даъват этади.

● КОРХОНА цехларида ускуналар тез-тез ишдан чиқиб тургани учун айрим иш жараёнлари қўлда бажарилади. Суратда: ишчи Л. Пенькова.
Р. НУРИДДИНОВ ва А. РИСҚИЕВ сурати. (ЎзТАГ).

● *Долзарб мавзу*

ҲАММА УМИД ЯНГИ ДИРЕКТОРДАНМИ?

ҲОЗИРГИ кунда бонг урилмаётган, муаммо кетидан муаммо кўтарилмаётган бирон-бир соҳа ёки жабҳа қолмади. Қайта қуриш бўрони бошланди-ю, тагидан зил кетган, оқсаб қолган иқтисодиётимизнинг сир-асрори сув бетига қалқиб чиқди. Туяни учирган шамол эчкини осмонга кўтариб кетди.

Узоқни кўзлаб, халқ ҳақида чинакам ғамхўрлик қилинмаган ерда ҳамиша муаммо, синиш рўй беради. Жаҳон Обидова номли Тошкент тамаки фабрикасидаги аҳвол бунга яққол мисолдир.

Фабрика бугунги кунда уч йил олдингига қараганда 2 миллиард дона кам сигарет ишлаб чиқармоқда. Бу қалтис синишнинг энг асосий сабаби — ССЖИ ва жумҳуриятимиз деҳқончилик саноати давлат қўмиталарининг узоқ йиллар мобайнида корхона эҳтиёжларига панжа орасидан қараб келганликлари натижасидир.

Мазкур фабрика жумҳуриятимиз пойтахтидаги энг кекса корхоналарнинг бири. У 1926 йилда қуриб битказилиб, ўша йилиёқ ўзининг дастлабки маҳсулотини бера бошлаган. Буни қарангки, орадан роппа-роса 65 йил ўтган бўлса ҳам ёшини яшаб бўлган, тўкилай-тўкилай деб турган қартайган ускуналарнинг бешдан бир қисми ҳанузгача эски ва қоронғу цехларда жойлашган.

Фабрикада амалга оширилган баъзи жузъий ижобий ишлардан кўз юмиш инсофдан эмас. Бундан саккиз йил бурун корхонада реконструкция ишлари ўтказилди. Ўшанда ГФЖ, Франция, Англиядан янги линиялар олиб келинди. Бугунги кунда ана шу линияларнинг 40 фоизидан кўпроғи ишдан чиқиб бўлган. Уларга эҳтиёт қисмлар эса, умуман йўқ.

Корхонадаги ночор аҳвол ҳақида 1987 йилдаёқ бонг урабошлашган эди. Ўшанда аниқ ҳисоб-китоблар ҳам ишлаб чиқилган эди. Маълум бўлишича, фабриканинг тўла ишлаб чиқариш қувватини тиклаш учун 100 минг сўмлик чет эл валютаси сарфлаш зарур экан.

Хўш, ҳисоб-китоблар-ку, аниқ, буёғи нима бўлди? Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Кўзланган мақсадни юқоридагилар йўлдан тойдириб юборишди. Корхонага кўрсатилган амалий ёрдам урвоқча ҳам бўлмади. Йилига 70 номдаги энг зарур эҳтиёт қисмларнинг бор-йўғи 4 хили етказиб берилди. Фақат мамлакатимизда бошланган сигарет танқислиги туфайлигина корхона 80 минг сўмлик чет эл валютаси олишга муяссар бўлолди. Афсус, кечикилган, вақт қўлдан бой берилган эди.

Шундай бўлса-да, корхона жамоаси рўй берган оғир аҳволни ҳисобга олиб, бор имкониятларни ишга солган ҳолда меҳнат қилмоқда. Кашандалар хуморини кондириш учун сигарета таъминотини яхшилашнинг турли йўллари қидириб топилмоқда. Фильтрлар бўлмаса, сигаретлар фильтрсиз ишлаб чиқарилмоқда, қути ва қутичалар етишмаса, сигаралар оддий пакетларга солиб жўнатилмоқда. Кези келганда пакетларга, ҳатто, тамаки ҳам тўлдирилмоқда. Савдо шахобчаларига, чунончи, технология чиқитлари —кесилмаган икки-уч метрли сигарет таёқчалари ҳам етказиб берилмоқда.

Тошкент тамаки фабрикаси маҳсулотлари қатъий белгиланган тақсимот асосида фақат жумҳуриятимиз аҳолисига етказиб берилмоқда. Жойларда аҳолини сигаретлар билан таъминлаб бориш юзасидан қатъий назорат ўрнатилган.

Ҳозир фабрикага янги директор тайинланган. Шу корхонанинг ўзида кўп йиллар ишлаган Ориф Маҳмудов жамоага рабарлик қилмоқда. Фабрика жамоаси ўртасида катта обрўга, бой тажриба ва билимга эга бўлишига қарамай ҳозир унга осон тутиб бўлмайди. Иши, ташвиши бошидан ошган. Унинг олдида ишлаб чиқариш жараёнларини бир бошдан қайта чуқур ўрганиб чиқиш, нуқсонларни аниқлаб, тезда бартараф этиш, ишчиларга қулай меҳнат шароитлари яратиш, эҳтиёт қисмлар қидириб ташкилотма-ташкилот югуриш, кўпроқ чет эл валютаси ишлаб топиш сингари катта муаммолар турибди.

Бош муҳандис хонасида ажойиб бир хушхабар қулоғимга чалиниб қолди. Эмишки, корхона қувватини ошириш учун келгусида бу ерда Америкадан олинадиган замонавий сигарет тайёрлаш линияси ўрнатилар экан. Баҳоси 14 миллион сўм турарканми. Албатта, чет эл валютасида. Шунча пулни, шунча чет эл валютасини фабрика қаердан олади?

Ҳа, ҳамма гап ана шунда. Бу борада мутасадди ташкилотлар — ССЖИ ва жумҳурият вазирликларининг раҳбарлари тезроқ ва жиддийроқ бош қотириб кўришса, айни муддао бўлур эди. Акс ҳолда халқимиз дўконлар пештахталарида ҳеч қачон сигарет кўрмайди, муаммо ҳамиша муаммолигича қолаверади.

Х. НОСИРОВ.

КРЕМЛДАГИ УЧРАШУВ

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев 22 январь куни Кремлда Латвия ССЖ Олий Кенгашининг раиси А. В. Горбунов ва Латвия Коммунистик Партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. П. Рубикс билан суҳбатлашди.

Суҳбат чоғида Латвияда ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашувининг жуда хавфли эканлиги таъкидланди, вазиятнинг кескинлашуви қуролли тўқнашувларга ва одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келди. Учрашув қатнашчилари ҳалок бўлганлар ва жабрдийдаларнинг оилаларига самимий ҳамдардлик билдириб, ижтимоий қарамақарши туришни пасайтириш, сиёсий мулоқот асосида қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда жумҳуриятдаги вазиятни нормал изга солиш йўлларини топиш юзасидан сира кечиктирмай чоралар кўриш зарурлигини таъкидладилар. Бу жараёнда Латвия ССЖ Олий Кенгаши, миллий тенг ҳуқуқлилик учун, ҳар бир совет фуқаросининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашаётган барча сиёсий партиялар ва ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак.

Миллатлараро можароларни ҳал қилишда иттифоқ ва жумҳурият идораларининг тутган ўрни, мамлакатдаги барча жумҳуриятларнинг янгиланган ССЖ Иттифоқидаги самарали иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлиги имкониятлари тўғрисида батафсил фикрлашиб олинди.

ССЖИ Президенти вазиятни соғломлаштиришга, Латвия ССЖ ва Болтиқбўйидаги бошқа жумҳуриятларда фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини мустаҳкамлашга ғоят фаол кўмаклашишга бундан буён ҳам тайёр эканлигини айтди.

Суҳбатда ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов иштирок этди.

(ТАСС).

ИШ ТАШЛАШ ЭМАС, ИШЛАШ КЕРАК

«Ташсельмаш» заводининг 11-цехида очиқ партия мажлиси бўлиб ўтди. ССЖИ Олий Кенгаши ишчи депутатлар гуруҳининг бутун мамлакат меҳнат жамоалари ва меҳнаткашларига Мурожаатномаси мамлакатдаги вазиятдан, Болтиқбўйидаги воқеалардан ташвишга тушган коммунистлар ва партиясизларни бефарқ қолдирмади. Иш ташлаш эмас, ишлаш керак — йиғилишда сўзга чиққанлар ана шундай фикр билдиришди. «Ташсельмаш» ходимлари мамлакатдаги вазиятни беқарорлаштириш сиёсатига, уни қим ва қандай даражада олиб бораётганидан қатъий назар, қарши чиқдилар, улар буюк ССЖ Иттифоқи сақлаб қолинишини ёқладилар.

(ЎзТАГ).

● *БИЗНИНГ СУҲБАТ*

БУ ЦЕХ «Стройпластмасса» комбинатининг етакчи бўлинмаси ҳисобланади. Корхона маҳсулоти жами ҳажмининг кўпи шу ерда ишлаб чиқарилади. Унинг жамоаси дуруст меҳнат қилмоқда. Қурилишлар учун зарур бўлган линолеум ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймоқда. Айни вақтда сифати ҳам яхшиланаяпти. Шу билан бирга жамоа олдида муаммолар ҳам бор. Жамоатчи мухбиримиз О. Хушназаров цех бошлиғи А. ҚОБУЛОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Абдулла Қобулович, цех жамоасининг ўтган йилдаги меҳнати натижаси қандай бўлди? Шу ҳақда қисқача гапириб берсангиз.

— Маҳсулотимиз жуда харидоргир. Буни ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак. Чунки ҳозирги вақтда қурилишлар, айниқса, уй-жойларни бунёд этиш кўлами кенгайиб бормоқда. Темирбетон конструкцияларидан йиғилган уйларга линолеум солиняпти. Шунинг ўзи зиммамиздаги вазифанинг масъулиятли эканлигидан далолат беради.

Шуни ҳисобга олиб, давлат буюртмаларини тўла бажаришга ҳаракат қилаяпмиз. Барча маҳсулотимиз давлат буюртмаси бўйича тайёрланмоқда.

Ўтган йили 4500 минг квадрат метр линолеум ишлаб чиқаришни режалаштирган эдик. Айни вақтда қўшимча 300 минг квадрат метр тайёрлаш ҳақида ваъда берган эдик. Жамоамиз эл-юрт олдида берилган сўзнинг уддасидан чиқиш учун барча омиллардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Асбоб-ускуналарнинг бир маромда ишлашини таъминладик. Ваҳоланки, агрегатларнинг деярли ҳаммаси анча эскириб қолган. Улар 25 йилдан ортиқроқ вақтдан бери фойдаланиб келиняпти. Тез-тез бузилиб туради, жуда кўп қисмларни янгилашга, алмаштиришга тўғри келади. Уларни ўз кучимиз билан тайёрлай олсак яхши, бироқ шундай қисмлар ҳам борки, уни ишлаб чиқаришни уддалай олмаймиз. Бизга бошқа корхоналар етказиб бериши керак. Афсуски иқтисодиётимизда бошбошдоқликнинг авж олганлиги шу соҳада кўпчилик жамоалар қатори бизга ҳам панд бермоқда.

Лекин аҳвол қанчалик мушкул бўлишидан қатъий назар вазиятдан чиқишга ҳаракат қилаяпмиз. Жамоамиз бутун тажрибаси ва маҳоратини сафарбар этмоқда. Шу туфайли ҳам йиллик режа ва мажбурият шараф билан уддаланди. Ҳаммаси бўлиб қурилишларга етказиб берилган линолеум ҳажми 5100 минг квадрат метрни ташкил этди.

Бунда меҳнат унумдорлигининг ошиши, айни вақтда ишчи-хизматчиларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигининг ортиши ҳам катта роль ўйнади. Ишлаб чиқаришнинг қатор юмушлари енгиллаштирилди. Ишчи-хизматчиларнинг малакаси оширилди. Уларга иқтисодий таълим асосларини ўргатиш йўлга қўйилди. Ҳар бир ишчи ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳар бир масалага иқтисодий манфаатдорлик кўзи билан қарайдиган бўлди. Бу ўз навбатида уларнинг меҳнатга муносабатида ижобий силжишларга олиб келди. Бундан аввало ишлаб чиқариш, қолаверса, ишчи-хизматчиларнинг ўзлари манфаат кўрмоқдалар. Фикримнинг далили учун биргина мисол келтирмоқчиман. Бундан икки-уч йил муқаддам олинадиган ўртача маош миқдори 160—180, жуда борганда 200 сўмни ташкил этарди. Эндиликда у 1,5 баробар ошди. Ўртача иш ҳақи миқдори 300 сўмга етиб қолди.

— Янги йилни қандай бошладинглар? Бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик муносабати билан қандай муаммолар кўндаланг бўлиб турибди?

— Бозор иқтисодиётига ўтиш жуда мушкул ва оғир муаммолиги биринчи кунларданоқ билиниб қолди. Бунинг учун ўз ишлаб чиқариши билан бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган корхоналар жамоалари маҳсулот етказиб бериш шартномаларини сўзсиз бажаришлари лозим эди. Ҳозирги вақтда эса бу ишда лоқайдлик, ўз манфаатини юқори қўйиш, ҳар қандай йўл билан кўпроқ фойда кўриш, ўзаро шартнома асосида ишловчи бошқа коллективларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмаслик каби иллатлар авж олмоқда. Комбинатимиз жамоаси бундан азият чекмоқда. Масалан, қўшни цехда 100 киши ишсиз юрибди. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё йўқ. Уни етказиб берувчи корхоналар шартнома мажбуриятларига амал қилмаяптилар. Айримлари тўғридан тўғри воз кечишяпти.

Биз ҳали бундай вазиятга тушганимизча йўқ. Жамоамиз барча имкониятларни ишга солаяпти. Раҳбарият ишчиларга иш топиб беришга интилмоқда. Бунда жумҳуриятимиздаги маҳсулот етказиб берувчи корхоналар билан алоқаларимиз яхши йўлга қўйилганлиги наф бермоқда.

Бироқ, бошқа жумҳуриятлардаги корхоналар хом ашё етказиб беришиқ камайтириш, умуман бермаслик, тайёр маҳсулотларга айрибошлаш каби номақбул йўлдан бормоқдалар. Масалан, биз Украинадан хом ашё оламиз. 1991 йил учун ҳам икки ўртада шартнома тузиш учун вакилимизни юборган эдик. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг маълум қисмини етказиб берсаларингизгина хом ашё юборамиз, деган шартни қўйишди. Акс ҳолда шартномадан воз кечишларини айтишди. Ереван елим заводи маъмурияти ҳам шартнома тузишни пайсалга солмоқда. Корхона жамоаси бизга 160 тонна елим юбориши керак эди. Бироқ, унинг бирор килограммини ҳам олмадик. Шунинг учун корхонамиздаги бундай хом ашёдан ниҳоятда тежаб-тергаб фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Бундай воқеалар бизга хом ашё етказиб берувчи бошқа корхоналар билан ўзаро алоқада ҳам содир бўлаяпти.

Агар бу ва шунга ўхшаш бошқа корхоналарга ўзимиз ишлаб чиқараётган линолеумдан етказиб беришга розилик билдирганимизда бундай қийинчилик содир бўлмасди. Биз бунинг уддасидан чиқа олмаймиз. Чунки ўзимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотга ўзимиз эга эмасмиз. Унинг бирор метрини ҳам ўз хоҳишимиз билан у ёки бу мижозга бера олмаймиз. Чунки, миллион-миллион квадрат метр линолеумнинг қаерга қанчадан етказиб берилишини Ўзбекистон ССЖ Давлат моддий-техника таъминоти қўмитаси, жумҳурият Биноқорлик материаллари саноати вазирлиги ҳал қилади. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган линолеумнинг 70 фоизи жумҳуриятимизнинг турли шаҳарлари ва қишлоқларидаги қурилишларга жўнатилмоқда. Қолган қисми эса бошқа регионларга етказиб берилаяпти.

— Бу йилги режалар қандай? Ишлаб чиқаришда ўзгаришлар бўладими? Эскириб қолган асбоб-ускуналарни янгилаш юзасидан қандай тадбирлар кўрилади?

— Юқорида айтганимиздек, цехимиз асбоб-ускуналари жуда эскириб қолган. Уларни тез-тез тузатишга мажбур бўлаяпмиз. Бошқа илож йўқ. Шундай қилмасак, ишлаб чиқариш умуман тўхтаб қолиши мумкин. Қурилишларга линолеум етказиб берилмаслиги қандай ёмон оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш эса қийин бўлмаса керак.

Бу йилги режамиз ҳам ўтган йилдагидек ҳаммаси бўлиб 4500 минг квадрат метр линолеум тайёрлашни мўлжаллаб турибмиз. Унинг 1300 минг квадрат метри савдо шохобчаларига етказиб берилади. Бу шунчалик линолеум аҳолига сотилади, деган гап. Шундай қилиб, якка тартибда уй қурувчиларнинг бундай қимматли қурилиш материалига нисбатан эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшамиз.

Маҳсулот тури кўпаяди. Янги хил линолеум ишлаб чиқариш участкаси ишга тушди. Линолеумнинг бу янги тури манзарали бўлиб, ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб туради. Унда йил охиригача ками билан миллион квадрат метр кўркам, сифатли линолеум тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилади.

Агар мўлжалдаги шу режага эришсак, йил давомида 5,5 миллион метр маҳсулот тайёрлаган бўламиз. Линолеум сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Технологияни такомиллаштириш, янги иш усулларини қўлланиш, сифатли меҳнатни рағбатлантириш шунга олиб келмоқда. Икки йилдан бери маҳсулотимиз сифати юзасидан бирорта ҳам норозилик хати тушгани йўқ. Лекин бу билан сифатда юксак кўрсаткичларга эришдик, дея олмаймиз. Бу соҳада камчиликларимиз ҳам бор. Бироқ биз уларни бартараф этиш учун бундан буён ҳам ҳаракат қиламиз. Мақсадимиз жумҳуриятимиз қурилишларига ва аҳолига кўплаб ва сифатли линолеум етказиб беришдек вазифамизни шараф билан уддалашдир.

5,5 МИЛЛИОН БЎЛАДИ

Тошкент ҳақиқати — қишлоқ хўжалиги бўлими

1 Мустақилликни ким қандай тушунади

• Сўз бўлим мудирига

АГАР ИШБИЛАРМОН БЎЛМАСАК...

БАЪЗАН ўйланиб қоламан, рўзномага ишга келиб, қишлоқ хўжалиги бўлимида фаолият кўрсата бошлаганимдан буён соҳага раҳбарлик қилувчи мутасаддилар уюшган ташкилотларнинг, муассасаларнинг номи бир неча бор ўзгарди: маъмурий-ҳудудий ишлаб чиқариш бошқармаси, қишлоқ хўжалиги бошқармаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси, ниҳоят деҳқончилик саноати бирлашмаси, деҳқончилик саноати ширкати уюшмаси ва ҳоказо.

Бироқ, шуниси ачинарлики, ном ўзгарган билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпаймади. Аксинча камайиб кетди, кўп жойларда сифати ҳам пасайди. Нега! Иллат нимада! Ахир, бундай ўйлаб қарайдиган бўлсак, қўйчивонлар, маслаҳат берувчилар, деҳқонни, қишлоқ хўжалик меҳнаткашини терговчилар, ундай қилинг, бундай қилинг, деб йўл-йўриқ ўргатувчилар аниқроғи у пишираётган қозондаги ошга чўмич солувчилар кўпайгани билан мақсадга эришиб бўлмас экан-да!!

Ўз-ўзидан деҳқонга, қишлоқ хўжалик меҳнаткашига ҳақиқий эркинлик, мустақиллик берилмас, унинг ўз меҳнатидан аввало ўзи манфаатдор бўлиши, маънавий қониқиш ҳосил қилишига имконият яратилмас экан, бари бир мўл-кўлчиликка эришиб бўлмайди, деган хулоса чиқаришга тўғри келади.

Яқинда яна ном ўзгарди. Қайтадан қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Табиийки, вилоят, ноҳия миқёсида яна қанчадан-қанча ўзгартишлар бўлади. Омон бўлсак кўрамиз, эндиликда аҳвол қандай бўлишини. Аҳволнинг яхши бўлиши эса қайта қуришнинг амалда бўлишига боғлиқдир.

Бу ҳақда тинмай гапираяпмиз. Давр ўзгариб кетди, деяяпмиз. Буни биз рўзномачилар амалда ҳис қилмоғимиз, ўз ижодимиз, фаолиятимиз, тажрибамизда акс эттирмоғимиз муҳимдир. Бозор иқтисоди шароитида биз ҳам ўз ишимизни янгича ташкил этмас эканмиз, «инқирозга» учрашимиз турган гап. Бундан худо сақласин! Шу туфайли биз қишлоқдаги — деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик уюшмалари, жамоалари, шўро хўжаликларидаги яхши ишлар, илғор тажрибаларини, инсон омилини биринчи ўринга қўйишни мақсад қилиб олиш билан бирга муаммолли масалаларни ёзиш билан чегаланмай, бу муаммоларни ечишда озми-кўпми ёрдам кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилишимиз керакдир. Ана шунда рўзнома сўзининг қадри ортади.



Бизнинг тилга олишимиз, ёритишимизни кутиб турган яхши тажрибалар, ишлар билан бирга муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Булар нималардан иборат! Аввало мустақилликни ким қандай тушунишига ойдинлик киритишимиз зарур. Афсуски, уни ҳар ким ўзича тушунади. Деҳқонга кейинги икки-уч йил ичида озмунча томорқа ери берилдими! Бу жуда катта саҳоват, имкониятдир. Лекин ана шу томорқа ерларидан кутилган самара олинаяптими, исроф қилинмаяптими! Агар исроф қилинаётган бўлса нега шундай бўлаяпти! Бунинг айбдори ким! Қишлоқ меҳнаткаши не-не машаққатлар билан етиштирган маҳсулотини истеъмолчига янгилигида, нест-нобуд қилмасдан етказиб бера олаяптими! У меҳнатидан мамнунми! Тирикчилиги ўтаяптими!

Маълумки, оила, ижара, пудрати шарофати билан ишбилармон кишилар учун ўз қобилиятларини намойиш этишларига кенг йўл очилди. Уларнинг қадрига етаяпмизми! Бошини силаяпмизми! Қулф-дилларини очишлари учун шароит яратиб бераяпмизми! Умуман, қишлоқдаги ҳар бир меҳнаткаш, пахтакор-у, сабзавоткор, чорвадору, боғбон ва бошқа бойлик яратувчи инсонлар меҳнатларига яраша обрў-эътибор топяяптиларми! Жамоа хўжаликлари керак эмас, уларни тарқатиб юбориш керак, ерларни одамларга бўлиб бериш, сотиш зарур. Ана шунда мўл-кўлчилик бўлади, деган гаплар ҳам юрибди. Ў гаплар қанчалик тўғри ва нотўғри! Қишлоқ хўжалиги раҳбарининг, мутахассиснинг ҳозирги пайтда мавқеи қандай бўлиши муҳим! Қишлоқ меҳнаткаши билан шаҳарликларнинг ҳамкорлиги қандай бўлаяпти!

Биз янги йилда «Мустақилликни ким қандай тушунади!», «Ишбилармон кишилар», «Ҳисобли деҳқон кам бўлмайди», «Деҳқон хонадони» сингари рукунлар остида бериладиган мақола, хабар, очерк, лавҳаларда ана шу савоплларга ўринли ва изоҳли жавоб беришга уринib кўрамиз. Лекин бунда ҳеч шубҳасиз сиз муҳтарам муштарийлар, ишчи-деҳқон мухбирларининг амалий ёрдамига суянамиз. Бу ёрдам қандай бўлиши кераклиги ҳақида рўзномамизнинг ўтган йилги сонларидан бирида очиқ хат орқали қилган мурожаатимизда тушунтириб бергандик. Яна бир бор ойдинлик киритамиз.

Эндиликда бунча гектар ердан унча ҳосил олинди, бунча сигирдан шунча сут соғилди, гўшт топширилди қабилида ёзиладиган хабар, мақола, лавҳалар одамларнинг меъдасига текканлигини ҳисобга олайлик. Тўғри, деҳқон ва чорвадор меҳнатининг залварини ифоделамоқ учун баъзида бундай рақамлар ҳам керак. Лекин меъёри билан бўлгани маъқул.

Бугунги кунда энг муҳими ана шу рақамлар замирида яшириниб ётган ва мадда бойлаб кетган қишлоқ меҳнаткашининг дарду-ҳасратларини, муаммоларининг илдизи нимада эканлигини очиб бермоқ муҳимдир. Ана шундагина муштарийлар қишлоқ хўжалиги мавзуида ёзилган мақолаларни ҳам қизиқиб, қидириб, интиқлик билан ўқийдиган бўладилар. Бу мақсадга эришиш эса биздан ҳам, сиздан ҳам катта меҳнатни талаб этади. Бу қўлингиздан келади. Биз ҳам қараб турмаймиз. Сизлар билан кун сайин мулоқотда бўлиб, ҳамжиҳат, ҳамкорликда ишлашга, мақола, хабар, муаммоли масалаларда сиз берган маслаҳатлар, таклифлар, мулоҳазаларингизни ҳисобга олишга, улар асосида саҳифалар, суҳбатлар, туркум мақолалар ташкил этишга ҳаракат қиламиз.

Н. РИХСИЕВ,
қишлоқ хўжалиги бўлими мудири.

• Мутахассис мулоҳазаси

ВОСИТАЧИЛАР КЕРАКМИ?

ҲОЗИР, айниқса, юмушимиз кўпайган пайт. Энг асосийси, жамоа ва шўро хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида шартномалар тузишни бошлаб юбордик.

1991 йили учун ноҳия ва тайёрлов ташкилотлари бўйича режалар белгилаб олинган. Буни ҳозирги тил билан, давлат буюртмаси, деб аташ ҳам мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилдагидан кам бўлмайди. Лекин мен эслатиб ўтган, мева, сабзавот топшириш бўйича режаларни олдингидек, юқоридан туриб белгилаш қолиб кетди. Аксинча, бизнинг ўзимиз имкониятларимиздан келиб чиқиб, маҳсулот топшириш режасини тузиб, уни вилоят режалар қўмитасига берамиз. У ердагилар таклифларимизни ўрганишиб, лозим бўлса, унча-мунча ўзгаришларни киритишади. Ҳозир тайёрлов ташкилотларининг керак ё керакмаслиги ҳақида турли қарашлар бор.

Ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи орасида ҳеч қандай воситачи ташкилот бўлиши керак эмас, дейиляпти. Бу ҳақда менинг фикрим қандай?

Мисол учун оладиган бўлсак, бизда ОРК, консерва заводлари, вилоят савдоси, умумий овқатланиш, матлубот жамиятлари каби воситачилар бор. Булардан ташқари ҳар қандай бошқа воситачи тайёрловчилар чайқовчилик қилишаяпти холос.

Яна кундалик ишларимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг муҳимларидан бири — маҳсулот сифатини текшириб боришдир. Шу кунларда ноҳиямиз хўжаликлари Тошкент шаҳрига иссиқхоналарда етиштирилган помидор, бодринг, кўкатлар етказиб бериш билан банд. Биз ҳам бу маҳсулотларнинг белгиланган миқдорда ва сифатли бўлишини текшириб, уларни ўз вақтида жўнатишни назорат қилиб бораяпмиз. Хуллас, ҳозирча иш кўп.

В. ПАХОМОВ,
Оржоникидзе ноҳиясидаги «Қибрай» деҳқончилик фирмаси маҳсулот тайёрлаш ва сифатини текшириш инспекцияси бош назоратчиси.

ҲИСОБОТ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ

ЙИҒИНГА бироз кечикиб келдим. Мўлжалимда «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» жамоа хўжалиги идораси, мажлис ўтказиладиган даъватхонанинг катта йўлдан анча ичкаридалиги, жамоа тарафга автобусларнинг кам юриши ҳисобга олинмаган экан, етиб келганимда мажлиснинг бошланганига 10—15 дақиқа бўлиб қолганди. Одамлар одатда кўпчилик қишлоқ жойларидагига қарама-қарши, яхшигина иситилган, шу муносабат билан эшик деразалари ноҳушроқ рангга бўлса ҳам бўялган чоғроқ даъватхонани тўлдириб, нотиқнинг гапини бирон бошқа нарсага чалғимасдан эшитишяпти. Бўш жой топиб ўтирдим. Мен ҳали номини билмайдиган сўзловчи бултурги ютуқлар, қишлоқ хўжалиги соҳасида қилинган ишлар ҳақида гапираётган эди: «...тўртта мактабда аълочи ўқувчиларга стипендия беряпмиз, қарияларнинг нафақасини 100 сўмга етказиб қўйдик. Колхозчиларимизга мол, товуқ, пичан тарқатдик. Буни ўзларингиз ҳам яхши биласизлар. 1990 йили умумий даромад яхши бўлди. Биргина помидор экилган ернинг ҳар гектаридан етти минг сўмдан даромад ололдик. Қишлоқлар юз фоиз ичимлик суви билан таъминланди...»

Гапиришидан чамамда нотиқ раис эди.

«...17 километр ички йўллар асфальт қилинди. Келаси йилда 844 ўринли мактаб қурилиб ишга тушади. 95 ўринли боғча қуриляпти. Яна 75 тонна сабзавот сақланадиган омбор ҳам қурилади...»

Ёнимда ўтирган қиз ўйлаганимнинг ростлиги, нотиқнинг жамоа раиси эканлигини тасдиқлади.

Музокараларга навбат келди. Йиғинни олиб борувчи ўтирганларга «Саволлар бўлса ёзма равишда беринглар», деяётганди. Кимдир ўтирган жойидан бақирди: «Гапирса бўлмайдими!?» Ҳамма бирдан орқасига ўгирилиб, кўзи билан лўқманинг эгасини излай бошлади. «Ёзма равишда...», деди олиб борувчи. Кимдир гап қўшди: «Ёзиб беравермайсанми...» Раис аралашди: «Ҳа, майли гапирсин». Рухсат текканидан сўнг сўзини бошлаган одам уйининг олдига (балки ҳовлисигадир) ток ўтадиган симёғоч ўрнатилганидан шикоят қилди. Яна бир-икки киши кранларнинг баъзиларидан сув чиқмаётганлигини айтди.

Мажлиснинг бузилган мароми яна ўзининг ўрнига тушди. Энди жамоа тафтиш комиссиясининг раиси гапираётган эди: «Беш кишидан иборат тафтиш комиссиямиз йил давомида иш режаларини график асосида олиб борди...»

Тан олиб айтишим керакки, ҳисобот-сайлов йиғилишларида неча марта қатнашган бўлсам, бирор мартасида ҳам уларнинг моҳиятан нима учун кераклигини тушунмаганман. Иўқ, бир томондан қараганда тўғрига ўхшайди, колхозчиларнинг олдида ҳисоб бериш керакми, йил якунлари ҳақида? Режаларни белгилаб олишчи, янги йилга? Бу ҳам керак, албатта. Бироқ нимага унда минбардан туриб гапираётган нотиқ ўз ишидан ҳисоб бераётган, яъни ишига баҳо сўраётганга эмас, мақтанаётган кишига кўпроқ ўхшайди. Йиллик режа тузилишида йиғилган жамоа аҳли фаол иштирок этишлари, режага бирор бир ўзгартириш киритишлари керак. Бироқ, нимага шундай жиддий (масалан, биолабораторияни таъмирлаш ҳақидаги) таклифлар колхозчилар томонидан киритилганида такли

ЙИЛ ТАҲЛИЛИ

лиф айтган кишини ҳайъатда ўтирганлар, раиснинг ўзи жеркиб ташлади. Тўғри, унга тушунтирилди, бунинг учун пулнинг йўқлиги, ҳатто кескин оҳангларда бўлса ҳам. Аммо, ҳар бир фикрга, майли у нотўғри бўлсин, ҳурмат билан қаралмас экан, режани халққа билдиришнинг ҳожати бормиди? Бошқарувнинг ўзида ҳаммаси ҳал этилиб, деҳқонларга уларнинг натижасигина айтилса бўлардику?! Шунинг учун ҳам айтгандик, бунақа йиғинларда колхозчилар ўз дардларини очиқ айта олишадими, режа тузишга кескин аралашоладими, йил якунини ҳисоблаш шунчалик зарурми ёки бу шунчаки, оддий хўжаликдан тортиб мамлакат миқёсигача бўладиган ва бўлиб келган анъанага содиқлик холосми, деб.

Тафтиш комиссиясининг раиси гапини квартал ҳисоботлари ўз вақтида топширилиб турибди, деган сўзлар билан тугатди. Навбат кашшофларга берилди. Эшиклар очилиб, ичкарига горн, барабанларини чалиб, кашшофлар кириб келишди. Йиғилганлар ўринларидан турди. Ҳайъатда ўтирганларнинг бири ҳазиллашди. «Ҳа, уйқусини очинглар, ухлаётганларнинг». Енгилгина кулгу бўлди. Кашшофларнинг бир safи саҳна олдида туриб, ўзбек ва қозоқ тилларида шеър ўқий бошлади. Уларнинг иккинчи гуруҳи менинг шундоққина ёнимда, девор билан ўриндиқлар орасидаги йўлакда саҳнага қараб орқама-кетин, кафтларининг бош бармоғини пешоналарига келтириб туришарди. Болаларнинг ёши балки ўн, балки ўн иккидадир. Оёқларига кўзим тушди. Қишнинг шу кунида калиш, крассовка кийганлари ҳам бор. Саҳна олдидагилар энди колхозчилар ҳақидаги ҳазил шеърларини ўқий бошлашди. Ҳазил тўртликлар топиб айтилганида кулгу, айниқса, кучлироқ бўларди. Тўғриси, бу деҳқон, пахта, пахтакор мақталган шеърлардан кўра қизиқроқ эди. Кашшофлар чиқишларини анъанавий пионерлар қўшиғини айтиб тугаллашди.

Музокаралар бошланди. Уларнинг баъзилари раис маърузасини муҳокама қилишдан анча йироқ, одамларни кўпроқ таъминотнинг ўта ёмонлиги асабийлаштириб қўйганлиги кўриниб турарди. Сўзга чиққанлар энг оддий нарсаларнинг йўқлигини ўта норози бўлиб гапиришди. Энг қаттиқ қарсаклар ҳам шундай сўзлар айтилганда чалинди. «Давлат дўконларида очиқ чайқовчилик қилинаяпти! Бошлиқлар қаёққа қараяпти, ўзи!? Одам куйиб кетаяпти-ку!»

Қолган муҳокамалар умумий йўсунда давом этди. Раис саволларга жавоб берди.

Йиғилишда ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиби Ю. Ҳайдуров ҳам қатнашаётган эди, таомилга кўра унга ҳам сўз берилганида, биринчи котиб ўзбек тилида, кўпгина соҳаларда аҳволнинг ёмонлиги ҳақида гапирди. Айниқса қурилиш, чорвачилик, пассажир транспортидаги аҳвол ёмонлигини таъкидлади. Кишиларнинг энг зарур буюмлар йўқлиги ҳақидаги айтганларига қўшимча қилиб эса «худо хоҳласа, ҳамма нарса — калиш ҳам, совун ҳам худди турғунлик йилларидагидек кўп бўлади», — деди.

Даъватхонадан чиққанимда, икки қиз менда ишлари борлигини айтди. Улар бригада бошлиқларидан шикоят қилиб, уни қўпол, маънавияти бузуқ одам деб зорланишди. «Икки марта раиснинг олдига шикоят қилиб борганмиз, ўрнига бошқани бригадир қилиб сайлашмоқчи ҳам бўлдик. Раис кўнмаяпти. Бугунги мажлисда гапиримоқчи эдик, лекин барибир фойдасиз, ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайдида шунинг учун индамадик» дейишди. Мен бу воқеани алоҳида ўрганишга ваъда бериб, улар билан хайрлашдим. Қизлар қайтиб кетишди. Ичкарида умумий йиғин ҳали давом этар, овоз кучайтиргичлардан гумбурлаган товуш эшитиларди.

Рустам ХУДОЁРОВ,
Чиноз ноҳияси.

• Шахсий фикр

...ҚАССОБГА МОЛ ҚАЙҒУ

АҲОЛИНИ чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг роли бениҳоя каттадир. Шунинг учун ҳам бу соҳада қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Шахсий хонадонда чорва боқувчиларга бир қатор имкониятлар, қулайликлар яратиб берилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги пайтда бу тадбирнинг самарасини кўриб турибмиз. Хусусий қассобларга кенг йўл берилди. Улар учун шароитлар яратилди. Истаган вақтда бозор нархида бўлса ҳам гўшт харид қилиб олишингиз мумкин. Лекин эчкига жон, қассобга мол қайғу деганларидек улар ҳам ҳар хил бўлишади-да. Қассобларнинг аксарияти диёнатли, инсофли одамлар деб ўйлаймиз. Улар наслдан қолган, гўшт учун семиртирилган молни сўйишни эп кўрадилар. Лекин айримлар эса фақат ўз ҳамёнларинигина ўйлайдилар. Улар ҳали насл берадиган ёш, урғочи ғунажин, совлиқларни ҳатто қорнида боласи бор бўлса ҳам кўпроқ гўшт қилишига қизиқиб сўйиб юборишяпти. Оқибатда биз кўплаб зотли моллардан ажраб қолмаётганмикинмиз, деб ўйлайман. Ахир битта урғочи қорамолнинг вояга етиши, насл бериши, сутга кириши учун камида уч йил керак. Шундай наслли совлиқлар борки, улар йилига, уч-тўртта қўзи беради, эгиз туғади. Бундай молларни гўштга сўйиш увол эмасми? Агарда вилоятимизнинг ҳар бир ноҳияси, шаҳрида мол бозорлари борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда вилоятимиз қолаверса, жумҳуриятимиз бўйича ҳар куни қанча-қанча урғочи, зотли моллар сўйиб юборилаётганлигини бир тасаввур қилиб кўрайлик-а! Бу кишини ташвишга солмайдими? Менинг назаримда агарда бу аҳвол давом этаверса, мол сотиб олиб, гўштга сўйиш зарур тартибга солинмаса, урғочи моллар камайиб кетиши оқибатида яна уч-тўрт йилдан сўнг аҳвол мураккаблашмасмикин? Шунинг учун таклиф қиламан. Бу ишни тартибга солишни ноҳия, шаҳар, вилоят матлубот жамиятлари ўз зиммаларига олишлари лозим. Қассобхоналарда сўйилаётган ҳар бир мол учун матлубот жамиятлари томонидан бериладиган рухсатнома бўлиши мақсадга мувофиқмикин. Агар мол сўйиш қайсидир идоранинг рухсати билан амалга оширилса, у ҳолда гўшт дўконларидаги нарх янада кўтарилмайдими, деб айтишлари турган гап. Бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу ишдаги ўзбошимчаликка чек қўйилмас экан, келгусида сут ва гўштга бўлган талабни қондириш муаммолигича қолаверади.

Т. САФАРОВ,
Тошкент ноҳияси, меҳнат фахрийси.

ЖАМОА МОҲИРЛАРИ

КЎЧБУЛОҚ кони жамоаси 1990 хўжалик йили топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича шараф билан уддалади. Айниқса, биринчи ва иккинчи участкалар азаматлари меҳнати самарали бўлди. Иккинчи участка кончилари йиллик меҳнат маррасини барча жамоалардан илгари эгаллашди. Режага қўшимча деярли 7,5 фоиз кўп иш бажаришди. В. Авеньцев, Г. Ананьев, Б. Марасулов, Ҳ. Жўраев, Б. Декин сингари проходкачиларнинг жонбозлиги мақтовга сазовор бўлмоқда. Биринчи участка жамоаси йиллик топшириқни 106 фоизга уддалаб, қўшимча юзларча тонналаб маъдан қазиб чиқарди.

Пешқадам участкалар жамоалари янги йилни ҳам яхши бошлашди. Дастлабки кунлардан режани ошириб уддалашяпти. Кончилар айрим муаммолар, чунончи шахтани ёритиш учун 127—220 вольт кучланишдаги электр лампочкалари, кабеллар, юкловчи шахта машиналари ва бошқа шу каби асбоб-ускуналарнинг етишмаётганлиги янада унумли ишлашга тўғаноқ бўлаётганлигини ҳам таъкидладилар.

М. МУҲАМЕДОВ,
Оҳангарон ноҳиясидаги Кўчбулоқ қўрғони.

• ТАҚРИЗ •

ФАХРЛАНСА АРЗИГУЛИК ҲИССА

Улуғ Ватан уруши, 1941—1945 йилларда фашистлар Германиясининг босқинчилиги, тажовузкорлиги, ёвуз ниятларига қарши олиб борилган, неча-неча асрлар силсиласида сира тенги бўлмаган бу уруш ва қозонилган Буюк Ғалаба ҳақида сиз билан биз кўп эшитганмиз, кўп ўқиганмиз. Маълумки, жаҳонда биринчи социалистик давлатни йўқ қилиш бепоён мамлакатимиз ерларини «яшин тезлиги»да босиб олиш, бутун бойликларимизни тортиб олиб, кўп миллионли ССЖИ халқларини ўз қўлларига айлантиришни хомҳаёл қилган фашист босқинчиларини тормор қилиб, мисли кўрилмаган ғалабага эришишда бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирига ҳамкор, ҳамдард, ҳамжиҳат бўлиб, ягона мақсад йўлида жонбозлик кўрсатиб жанг қилган ва фронт ортидан туриб жангчиларга ҳар тарафлама мадад бериб турган барча совет кишиларининг қўшган ҳиссалари беқиёсдир. Уруш ҳаракатлари бир баҳя ҳам кириб келмаган, душманнинг бирорта ҳам бомбаси портламаган Ўрта Осиё жумҳуриятларининг, жумладан Ўзбекистоннинг қалби пок, ватанпарвар, инсонпарвар, қўли очиқ байналмилалчилик анъаналарига содиқ халқлари ҳам мамлакатимиз тақдири ҳал бўлаётган бу даҳшатли йилларда бир чеккада қўл қовуштириб ўтирмадилар, нимаики имкониятлари бўлса, ҳаммасини ишга солиб фронтга ҳам ҳарбий, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ёрдам қўлини чўзадилар, суюкли фарзандларини жанг майдонларига йўлладилар, вақтинча эвакуация қилинган қанчадан-қанча одамларга уйларининг тўрини бердилар, бир бурда нонларини улар билан бирга баҳам кўрдилар.

Ўша йилларда кўрсатилган жасорат тарихи, турли воқеа-ҳодисалар тафсилоти, фактлар, рақамлар, мисоллар, Ўзбекистоннинг фронтга берган мадади ва ғалабага қўшган буюк ҳиссаси тўғрисидаги кўпдан-кўп маълумотлар турли китобларда, рўзномаю-ойномаларнинг сон-саноқсиз саҳифаларида, архивларда тарқоқ ҳолда «сочилиб» ётибди. Уларнинг ҳаммасини бир ерга жамлаб, тартибга солиб, таҳлил этиб, умумий хулосалар чиқариб, яхлит бир китоб ҳолига келтириб, ўқувчиларда яққол тасаввур ҳосил қилиш — маънавият оламидаги энг хайрли ишлардан биридир, албатта. Тарих фанлари номзоди, доцент Шоди Каримов ана шу хайрли ишга қўл уриб, кўп йиллик изланишлари натижаси ўлароқ «Ғалабага қўшилган ҳисса» китобини (Т., «Ўзбекистон», 1990 й.) чоп эттириб, муҳтарам китобхонларимизга туҳфа этди.

Каттагина ҳажмдаги бу асарнинг ўзига хослиги ва ютуғи шундаки, илгари шу мавзуда ёзилган китоблардан тилининг соддалиги, воқеа-ҳодисаларнинг аниқ манбаларга асосланган бой фактик материаллар, рақамлар, далиллар ва мисоллар негизида қизиқарли баён этилиши, кези келганда муайян масалалар хусусида оқилона хулосалар чиқарилиши билан фарқ қилади. Китобни кўздан кечирган ўқувчи илгари ўзига ва ўзи сингари кўпчилик кишиларга маълум бўлмаган анча-мунча воқеа-ҳодисалардан, факт ва рақамлардан хабардор бўлади.

Келинг, яхшиси ана шулардан энг диққатга сазоворларидан айримларини келтирайлик. 1941 йилнинг 22 июнида бошланган хиёнаткорона уруш ҳаракатлари Болтиқ денгизидан Қора денгизгача бўлган масофада бениҳоя шиддатли ва даҳшатли тарзда олиб борилди. Уруш бошланган дастлабки кунларда мавжуд бўлган 170 совет дивизиясидан 28 таси бутунлай сафдан чиққан, 70 таси эса одамлари ва жанговар техникасининг ярмига яқинини йўқотган эди. 22 июнь кунининг биринчи ярмидаёқ Қизил Армия 1200 самолётидан ажралди. Улардан 900 таси аэродромларнинг ўзидаёқ сафдан чиқарилди ва ҳоказо... Шу каби даҳшатли рақамлар... Китоб муаллифи ўша дастлабки даврда нима учун фашистларнинг қўли устун, бизларнинг эса заиф бўлганимиз сабабларини ишончли далиллар ва фикр-мулоҳазалар асосида бирма-бир кўрсатиб беради.

Кўплар қатори Ўзбекистон халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги аҳволи, иқтисодий имкониятлари, мавжуд кичик имкониятлардан катта маҳорат билан фойдаланиб, фронтга беқиёс кўрсатилган мадад, ўзбек халқининг ватанпарварлиги, одамийлиги, жасорати, меҳнатсеварлиги, ғалабага қўшган ўлкан ҳиссаси бутун асар бўйлаб «қизил ип»дай ўтади.

Ўша йиллари Совет Ўзбекистони Ватанимизнинг ишончли таянч қўрғонига, мудофаа арсеналига айлантирилди. Жумҳурият халқ хўжалиги мамлакат мудофааси манфаатларига мос келадиган тарзда қайта қурилди, барча куч-воситалар урушни тезроқ ғалаба билан якунлашга сафарбар этилди. Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи ва Россия федерацияси ерларига қилинган ҳужумни ўз жонажон юрти — Ўзбекистонга қилинган ҳужум деб билган ўзбекистонликлар бир жону-бир тан бўлиб, оммавий суратда ҳаракатдаги Армия ва флотга юборишларини сўраб, ҳарбий комиссарликларга аризалар кўтариб кела бошладилар. Юз мингларча хотин-қизлар уларнинг саноат корхоналаридаги ва колхоз-совхоз далалари ҳамда фермаларидаги бўшаб қолган ўринларини тўлдириб, бир эмас, икки-уч нормадан иш бажаришга киришиб кетдилар.

Қизил Армия вақтинча чекинаётган бир шароитда саноат корхоналари, колхоз, совхоз, илмий-маданий муассасалар ва одамларни мамлакатимизнинг Шарқий ноҳияларига кўчириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистонга юздан ортиқ саноат корхонаси кўчириб келтирилди. Ўз юртидан, уй-жойидан жудо бўлган кишилардан, ота-онасиз қолган болалардан бир миллионга яқини жумҳуриятимиз ҳудудига эвакуация қилинди. «Тошкентга келиб, болалар уйларининг олдида бола олиш учун навбатда турган одамларни кўриб ҳайратга тушдим,— деб ёзганди ўшанда машҳур болалар шоири Корней Чуковский,— Асосан унчалик пулдор бўлмаган, кўп болага эга бўлган ва «беш болани тўйдирган қозон олтинчисини ҳам тўйдиради», деган ҳикматни яхши билган хотинлар кўчириб келтирилган болаларни тарбияга олмоқдалар. Соф ва покиза ватанпарварлик деб мана шунга айтилади».

Ўзбек халқи қамалда қолган Ленинград халқига 1942 йил 1 май байрам кунига совға қилиб 68 вагон қуруқ мева, 100 вагон гуруч ва бошқа кўплаб озиқ-овқатлар жўнатди. Фақат 1943 йилнинг бошларидагина фронтчиларнинг оилаларига ёрдам тариқасида 73,5 минг пуд ғалла, 10 минг бош қўй, 2000 бош қорамол етказиб берилди ва 850 дан кўпроқ уй-жой бинолари қуриб топширилди. Ҳаммаси бўлиб Ўзбекистон меҳнаткашларининг мудофаа фондига қўшган ҳиссаси 650 миллион сўм пул, 56 килограмм тилла ва кумушни ташкил этди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Ўзбекистони фронтга 2090 та самолёт, 17 минг 342 авиамотор, 2 миллион 318 минг авиабомба, миллионлаб миналар, снарядлар, граналар ва бошқа шу сингари қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар етказиб берди. Енгил саноат корхоналари ва саноат кооперацияси артеллари умумий қиммати 443,3 миллион сўмлик маҳсулотни фронт эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарди. Бу немис-фашист газандаларини тор-мор келтиришда жумҳуриятимизнинг қўшган муносиб ҳиссасидир. Жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалиги уруш йилларида фронт ва ғалаба учун ҳаво ва сув каби зарур бўлган 4 миллион 806 минг тонна пахта, 1 миллион 282 минг тонна дон, 54,1 минг тонна пилла, 482 минг тонна сабзавот ва картошка, 57,6 минг тонна мева ва узум, 36 минг тонна қоқи, 159 минг тонна гўшт, 22,3 минг тонна жун етказиб берди. Бу — улкан ва мислсиз меҳнат жасоратидир. Биз бу билан ҳақли ва қонуний суратда фахрланамиз...

Ҳа, ҳар қанча фахрланса арзийдиган ҳисса бу. Биз ушбу тақризимизда Ш. Каримов китобининг у ер бу ерларидагина олинган айрим маълумотларни келтирдик холос. Муаллифнинг Улуғ Ватан урушига Ўзбекистон қўшган ҳиссани батафсил ёритиш юзасидан қилган ушбу ишига муносиб баҳо берар эканмиз, бир нарсага афсусланмай сира иложимиз йўқ. Бу афсусимизнинг боиси шундаки, кейинги йилларда Ўзбекистонни ва ўзбек халқини назар-писанд қилмай, ҳар тарафлама камситувчи, ёмонотлиққа чиқарувчи, ҳатто «миллатчи», «экстремист», «нашаванд», «порахўр» деб тўғридан-тўғри марказий матбуот саҳифалари орқали ҳақорат қилаётган «шоввоз»лар, «оқилу—доно»лар пайдо бўлиб қолди. Бундай шовинистик руҳдаги устомон қаламкашлар кўп эмас—лоақал Ш. Каримовнинг ушбу китобини бир кўздан кечириб чиқсалар эди халқимизнинг кимлиги-ю, қандайлигини билиб олармидилар ва инсофга келармидилар, деб ўйлаймиз.

Р. ШАРИПОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.



● ТОШКЕНТ ҚИШИ.

Суратқаш: Ҳ. ШОДИЕВ.

ГУЗАРГА НИМА ЕТИШМАЙДИ?

Орасталик инсонга ҳар куни керак. Шу жиҳатдан хох ўқишда ёки ишда бўлсин, хоҳ тўю-тантаналарда бўлсин, кишининг сочи тартибга келтирилган, соқоли тоза олинган бўлиши гўзалликнинг бир намунасидир.

Албатта, бу ўринда кам эсланадиган, нозик касб эгалари — сартарошларнинг меҳнати беқиёсдир.

Пойтахтимизнинг С. Раҳимов ноҳиясидаги Чиғатой дарвоза гузарига жойлашган сартарошхона Нуриддин ака Тўхтахўжаев ташкилотчилиги билан янгитдан қурилди. Эндиликда уста Нуриддин ака ва унинг шогирдлари О. Мирзажонов, Ю. Турғунов ва Т. Рашидовлар шу музофотдаги ёшу қарига ширинсўзлик билан беминнат хизмат қилиб келмоқдалар. Айниқса, Чимбой, Правда, Шарқ Ҳақиқати, Коминтерн, Янги турмуш номли маҳаллалар кексалари бу қўли гул чаққон усталардан кўп миннатдордирлар.

Илгаритдан ҳар бир маҳалла гузарида шу жой аҳлига хизмат қиладиган сартарошхоналар бўлиб келган. Ҳозирга келиб эса уларнинг сони бир мунча қисқариши билан биргаликда шарт шароитлари ҳам оғирлашиб қолган. Ўнлаб сартарошхоналарда на иссиқ сув бор, на табиий газ.

Бундай камчиликлардан юқорида гапирганимиз 36-сартарошхона ҳам мустасно эмас. Уларни бартараф этиш эса бошқа ташкилотларнинг қўлида.

А. ТОЛИПОВ,
«Тошкент ҳақиқати» ҳузуридаги ишчи мухбирлар дорилфунунининг талабаси.

РЎЗНОМАГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

ЭНДИ САБР ҚИЛОЛМАЙМИЗ

«Буржуйка» ёқилиб, устига тунука чойнак қўйиб сув иситилади, ёки электр печдан фойдаланилади. Бундай шароитларда ишлаш ҳамма устага ҳам ёқавермайди. Шу сабабли бўлса керак айрим гузарлардаги сартарошхоналар эгасиз бўлиб қолган, усталар етишмайди.

Биз Октябрь ноҳиясидаги Беруний—Матлубот кўчасида жойлашган 1-уйда 1985 йилдан бери яшаймиз. Беш йилдан буён гоҳида иссиқ, гоҳида совуқ сув бўлмайди, чироқ ўчиб, лифт ва телефон ишламай қолади. Қарияларга, аёлларга қийин бўлаяпти.

Шундай маҳалларда ноилож ўз билгимизча тузатишга киришамиз: кимдир ертўлага тушиб, қувурларнинг мурватларини бурайди, кимдир чироқ тузатади, яна кимдир телефоннинг узилган симларини излашга тушади. Жуда бўлмаганда 3—5 сўмдан тўплаб, четдан бирор уста олиб келамиз.

Бизга хизмат кўрсатиши лозим бўлган 49-турар-жойлардан фойдаланиш комиссияси раҳбарлари битта-иккита аризага қулоқ солишмайди. Уларга барча квартираларда яшовчилар ёппасига чиқиши керак. Шундагина уста юборишади. Усталар эса бир гапни тўтиқушдек такрорлашади: «Қувур йўқ, у йўқ, бу йўқ...». Улар қўл учида шунчаки тузатиб кетишади. 1—2 кундан сўнг яна ўша аҳвол.

Ҳурматли таҳририят! Илтимос, бизга ёрдам беринглар. Энди сабр қилолмаймиз.

1-уйда яшовчилар номидан:

К. ИСАЕВ.
(жами 9 имзо).

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

4, 5, 6 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

«ФАРҒОНА ТАРОНАЛАРИ»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори, «КАМОЛОТ — 89» кўригининг ғолиби

Охунжон МАДАЛИЕВ

ва хушовоз хонанда

Қиличбек ТОЖИЕВ

раққосалар; Гулмира ШИРИНОВА ВА Раъно ЗОКИРОВА.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.
Телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30, 31 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА,
1, 2, 3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16.00 ва 19.30 ДА

«ҲАЗИЛ-3»

ЯНГИ ПРОГРАММА ҲАЖВИЯ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Мирза Холмедов, Обид Асомов, Ботир Муҳаммадҳўжаев, Собит Асомов, Тўхтамурод Азизов ва бошқалар.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилади.

Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68.

ҚИСҚА ТАЪЛИМ МУДДАТИДА ЯНГИ ИХТИСОС ЭГАЛЛАШНИ ИСТАЙДИГАНЛАР УЧУН

ССЖИ Статистика давлат комитетининг иқтисодий ахборотларни ҳисобга олиш ва уларнинг статистикаси ҳамда бу ахборотларга машинада ишлов бериш соҳасидаги тармоқлараро раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш институтининг

ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ

ИҚТИСОД ВА БОШҚАРУВ ҚУЛЛИЕТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича малака бериш билан мутахассисларни қайта тайёрлаш ва тайёрлаш учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— статистика;
— барча халқ хўжалиги тармоқлари учун кенг қамровли иқтисодчилар;
— қишлоқ хўжалиги иқтисодчилари;
— халқ хўжалиги, шунингдек, ширкатлар, кичик корхоналар, акционерлик жамиятлари қўшма корхоналар ва ҳоказолар учун ташқи иқтисодий фаолият иқтисодчи ташкилотлари:

УҚИШ МУДДАТЛАРИ:

кундузги бўлимда — 7 ой;
кечки бўлимда — 10 ой;
— сиртқи бўлимда 15 ой.

Машғулотларни Халқ таълими давлат комитети томонидан тасдиқланган дастурлар бўйича институтнинг профессор-ўқитувчилари ва жумҳурият халқ хўжалиги тегишли тармоқларининг етакчи мутахассислари давлат нархларида олиб борадилар.

Куллиётга олдиндан аниқлагич асосида суҳбатдан ўтган олий, ўрта махсус ва ўрта маълумотли шахслар қабул қилинади.

Негизий таълимга мувофиқ куллиётни битирганларга белгиланган намунадаги диплом ва гувоҳномалар (малака берилган ҳолда) берилади.

Бошқа шаҳардан келган тингловчиларга меҳмонхона йўсинида жиҳозланган қулай ётоқхонадан жой берилади.

МАШҒУЛОТЛАР:

КУНДУЗГИ БЎЛИМДА — 1991 йил 2 сентябрдан;

СИРТҚИ БЎЛИМДА — 1 даврада — 1991 йил 1 февралдан, 2-даврада — 2-сентябрдан

БОШЛАНАДИ

Манзилимиз: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 42-уй (Черкасская кўчаси томонидан).
Телефонлар:: директор 67-19-03, 67-24-61;

„ВЕСТ АЛОҚАГА ЧИҚМАДИ"

Виталий Головачев

ИККИ СОВЕТ РАЗВЕДКАЧИСИНИНГ МУШКУЛ ҚИСМАТИ ҲАҚИДА

ҚОЧИШ

САМОЛЁТ Эндрюс (АҚШ) базасига қўнгач, машиналар Мартиновларни ҳамда уларнинг қўриқчиларини Вашингтон яқинидаги Спрингфилд деган жойга тезда элтиб қўйди. Улар жойлашган кўҳликкина уй дарахтлар билан қопланган бир жойда эди. Кўркам манзара, кўл — уларнинг асирлигини ҳисобга олмаганда — курорт, деб ўйлаш мумкин эди.

Дастлабки кунлари соқчилар уларни алоҳида сезгирлик билан кузатиб туришди. Лекин бора-бора тартиб бироз сусая борди. Ўрмонда сайр қилишга ҳам рухсат беришадиган бўлишди. Бу одат тусига кирди: тушликдан сўнг улар ўрмон сўқмоқлари бўйлаб кезиб юришарди.

Мартиновни маҳфий ишга энди америкаликлар тайёрлай бошлашди. Улар ўз режаларини айтишмасдан, албан тилига ўқита бошладилар. Ийл-йўлакай улар таржимаи ҳолига доир тўқималар ўйлаб чиқарилди. Машғулотлар орасида унга контрразведкани қизиқтирган одамларнинг суратлари кўрсатиларди. Мартинов таниш башараларга лоқайдлик билан қараб, «Йўқ, танимайман, бунисини ҳам...» дерди.

Кунларнинг бирида кеч пайти соқчилар телевизор орқали америкача футбол кўришаётган пайтда Мартинов ойнани оҳисталик билан очди (кундуз куни у ойнани мойлаб қўйган эди) ва ўрмон томон йўналди. Тўрт соатдан ортиқроқ вақт мобайнида у қорасини кўрсатмади. Қочиш олдидан йўлларни яна бир карра аниқлаш шу тариқа ўтди.

Эрталаб Мартиновга фақат битгагина сурат кўрсатилди. Бу одамни у жуда яхши танирди.

— Йўқ, ҳеч қачон учратмаганман...

Мана шу суҳбатдан кейин Мартинов хотинига шундай деди: «Бугун тушдан кейин жуфтакни ростлаймиз. Аравачага энг зарур нарсаларни қўй...» Айтилганидек, Раиса Васильевна энг зарур нарсаларни олди. Нималар деб ўйлайсиз? Америка махсус хизматидан қочаётган киши нима ҳам олиши мумкин? Энг қиммат нарса — бу ғайритабиий ҳаёт ҳақидаги хотирагина олиб кетилаётган эди. Раиса Васильевна слайдлар тўлдирилган пакетни ҳам унутмади... Мана бу расмда Флорида ноҳиясидаги ўзларига қарашли бар, мана бунисида эса Каса-Росада (ҳукуматнинг Буэнос—Айресдаги қароргоҳи) Колумбга ўрнатилган ҳайкал ёнида икковлон туришибди, Швейцария, Италия, Англия, Франция, Германия, Австрия, Испания, Греция да туширилган кадрлар...

1972 йил 7 январь куни Мартиновлар тушликдан сўнг навбатдаги сайрга чиқишди.

— Кечки овқатга нима истайсиз? — сўради ошпаз аёл, — гўштли макарон бўлаверадими?

— Жа кетади-да, — жавоб берди Мартинов.

Қизчаларнинг кичиги аравачада, каттаси қизил куртка, тоғда юрадиган ботинкача кийиб олиб, унинг ёнида борарди. Энг яқин посёлкагача камида тўрт чақирим эди. Бир ярим соатдан сўнг улар ўша ерга етиб келдилар. Мартинов ишлаб чиққан режага биноан улар шу ерда ажралишлари лозим. Хотини болалар билан яқин орадаги уйлар томон жўнаши, ўзи эса яна бир ярим чақирим юриб, бошқа нуқтага чиқиши керак эди.

Фавқулодда Раиса Васильевнанинг омади келди: ўн қадам нарида бир қизнинг қора «Форд»га ўтираётганки кўриб қолди.

— Бизларни шопинг-марказгача олиб кета олмайсизми? — деди мулойимлик билан.

— Ўтиринглар. Аравачангизни тахлашиб юборайми?— рулга ўтираётган қизча дилбарлик билан сўради.

Савдо марказида машинадан тушган Раиса Васильевна қизлари билан бензоколонка томон — такси буюриш учун йўл олди. Вақт қалтис эди. Ҳозир ўзлари турадиган жойда кечки таом тайёр бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳар дақиқа уерда тревога эълон қилишлари мумкин. Балким эълон қилишгандир ҳам?

Такси кутаётиб, бирдан ўзи томон келаётган полиция машинасини кўриб қолди. Юраги орқага тортиб кетди. Аммо ташқи кўринишдан ўзини жуда бамайлихотир тутди. Гап-сўз тайёр эди: «Адашиб қолдик, виллламизга етиб олиш учун такси чақирдик». Хайрият, полиция машинаси шундоқ ёнидан ўтиб кетди...

Ҳадемай такси ҳам келди. У шунчаки гапираётгандай совет элчихонаси жойлашган кўчанинг номини айтди. Улар ўша жойга етиб боргунларича ўтган вақт мангулиқдай туюлди.

Элчихона дарвозалари ланг очиқ эди. Чамаси иш куни тугаган, машиналар тарқаб кетишаётган эди. Ў аравачаси билан элчихона ичига дабдурустдан кириб борганда бироз ҳайрон бўлган ходим уни қарши олди.

— Дарҳол хавфсизлик офицерини чақиринг, — деди Раиса Васильевна дукиллаб ураётган юраги хуружидан ҳаприқиб. Назарида бу дукиллашлардан бутун бадани сарак-сарак қилаётгандай эди...

Мартинов — хотини болалари билан элчихонага ета олдини, йўқми, махфий агентлар томонидан уларнинг йўли тўсиб қўйилмадими, — ҳали бехабар эди. Унга фақат бир нарса равшан эди: жилла қурмаса икковидан бири ўзимизникиларга етиб олишлари керак ва ҳамма нарсаларни айтиб беришлари лозим, шу тақдирда улар бизларни қутқара оладилар... Бу — шу аснодаги ягона имконият эди.

У шляпа, сигарета жойлаштириладиган муштук, кўзойнак сотиб олди. Сўнг таксига ўтириб, Болгария элчихонасига жўнади. Лекин уерда ёқимсиз вазиятга дуч келди. Навбатчи у билан гаплашишни истамади, ҳатто, полиция чақираман, деб дўқ қилди.

— Йўғаса совет савдо ваколатхонаси қаерда жойлашганлигини айтиб беринг, — деб ялинди Мартинов.

Ваколатхона узоқ эмас экан. Мартинов шаҳар бўйлаб пиёда юриб борарди, ёнидан эса чиқирганича полиция машиналари елиб ўтарди. Уни қидиришмаётганмикин? Вақтга қараганда виллада аллақачон ваҳима кўтаришган бўлишса керак.

У йўлма-йўлакай совет ваколатхонаси қаердалигини сўрар, унга бажонудил тушунтириб беришарди. Гўё бу саргузаштларнинг ҳаммаси Мартиновнинг тушида бўлаётгандай эди...

Дарвоза олдида соқчи турарди. У русчалаб шундай деди:

— Мен киришим керак.

Навбатчи пайдо бўлди. Ичкари киришди. Уерда Мартинов бир бурда қоғозга қуйидаги сўзларни ёзди: «Мен қочоқман. ...билан боғланишим керак».

У безгак тутаётгандай титрарди. Навбатчи унга каттароқ қадаҳда ароқ қуйди, бир тишлам нон устига пишлоқ қўйиб узатди. Ярим соатдан сўнг у кутган одами билан учрашди. Биринчи савол шундай бўлди:

— Меникилар етиб келишдими?

— Ҳа.

Мартинов кўзларини жиққа қоплаган ёшларини тутиб туролмади, улар унинг икки чеккасини ювиб кетди...

Мартиновлар тахминан бир ой совет элчихонаси ҳамда савдо ваколатхонаси ходимлари банд этган кўп қаватли уйда яшашди. Ойналар ҳамиша тўсиқ турарди. Кутилмаган воқеага мўлжалланган овоз берадиган тугмалар ҳам қўл остида эди. Масалан, ташқаридаги нарвонлар оша полициячилар деразадан хона ичига кириш-моқчи бўлишса, қўнғироқдан фойдаланиш керак бўларди.

Қизчалар фақат шу ерда биринчи бор рус сўзларини эшитишди. Бу сўзлар уларга бегона ва нотаниш эди. Ҳали икки ёшга ҳам етмаган кенжа қизчага бўлиб ўтаётган воқеалар унчалик таъсир қилмади. Эсини таниб қолган каттаси эса ҳайратда эди.

— Энди биз Совет Иттифоқида яшаймиз, у бизнинг ватанимиз, — дер эди Раиса Васильевна, — энди сизлар рус тилини ўрганишларингиз керак.

— Ойи, сиз уни қаердан биласиз? — деб сўрарди катта қизи.

— Ахир биз руслармиз-ку, чет мамлакатда командировкада эдик, вақтинча ишлаётган эдик бу ерда, — деб жавоб берарди ўкириб юборишдан зўрба-зўр ўзини тияётган Раиса Васильевна лабини тишлаб.

Дипломатик жабҳада эса тўхтовсиз мулоқотлар давом этмоқда эди. Мартиновлар оиласини ватанларига жўнатиб юбориш учун ҳамма чоралар ишга солинаётган эди.

1972 йил 2 февралда ССЖИнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин Владимир Ивановични таваллуд топган куни билан муборакбод этди ва унга кичик бир радиоча совға қилди. Ўша куни Мартиновлар Кеннеди номидаги аэропортдан ёнларида совет паспорти билан Москвага учиб кетдилар. Пойтахтгача уларни совет элчихонасининг бир неча ходими кузатиб борди...

СОТҚИНЛИК ҚИЙМАТИ

БУ ИШДА анча пайтгача Мартиновнинг Буэнос-Айресда қўлга тушиш воқеаси сабаби номаълум бўлиб келди. Кейин аҳвол равшанлашди. Бу ҳақда менга ССЖИ давлат хавфсизлиги қўмитаси ходими, полковник Игорь Николаевич Прелин гапириб берди. Унинг ўзи ҳам разведкачи бўлиб, чет элларда узоқ йиллар ишлаган, қийин операцияларда иштирок этган эди. Гапнинг лўндаси, у ўз ишининг устаси эди.

— Дастлаб Мартинов муваффақиятсизлигининг сабабларини мутлақо тушунib бўлмади, — дейди И. Н. Прелин, — ҳар хил каналларни текшириб кўрдик. Ҳеч қандай илгак топилмади. Зотан Аргентина контрразведкаси ҳам уларнинг уйида топиб олган махфий жойнинг режасидан бошқа айб қўйишолмаганлиги ҳам буни исботлаб турарди.

Лекин бора-бора сир очилди. Муваффақиятсизликнинг сабаби — сотқинлик бўлган эди. Мартиновни Гордиевский сотиб қўйган экан. Маълум сабабларга кўра мен бу ерда ҳужжатли далилларни келтира олмайман, бундай далиллар давлат хавфсизлиги қўмитасида бор. Биз аминмиз: ўз дўстларини баайни мана шу Гордиевский чет эл разведкасига «топширган».

Фақат Мартиновларни йиқитган бўлса ҳам майли эди-я. У ўзининг собиқ сафдошларини кўтарасига ҳам, чаканасига ҳам бола-чақаларини қўшиб ёҳуд фарзандларисиз сотиб юборган. Ҳайриятки, биз ўз вақтида ўнлаб—баъзи бир кишиларни сақлаб қолдик. Лекин Гордиевский саъи-ҳаракатлари туфайли баъзилар қамоққа тушдилар.

— Совет разведкачиларими?

— Йўқ, ҳозир чет эл хибсхоналарида биронта ҳам совет разведкачиси йўқ. Мамлакатимиз ўз одамларини қамоқхоналардан чиқариб олиш учун ҳамма ишларни қилди...

Шундай қилмишлар борки, улар ҳамма ерда ва ҳамиша қораланган. Булар пасткашлик, хоинлик, сотқинликдир. Мунофиқликни кечириб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди. Бундай одамларга ҳеч қаерда ишонч йўқ. Бир марта сотқинлик қилган иккинчи марта ҳам шу йўлдан тоймайди.

* * *

...Биз Мартиновларнинг Москвадаги уйига борганимизда улар ўзларининг туриш-турмушлари ҳақида гапириб беришди. Ҳа, улар зиммасига оғир синовлар тушган. Лекин улар сабр-матонатни бой бермадилар. Қўшни хонада кенжа қиз мутолаа қилмоқда — у ҳозиргина ишдан қайтибди. Катта қиз эрининг уйига кўчиб ўтибди, эндиликда уларнинг ўз қизи бор...

— Аргентинада сиз механик бўлиб ишлагансиз, — дейман Мартиновга, — бу ерда ўз машинангизни ўзингиз тузатаётгандирсиз?

— Бу ерда менинг ҳеч қачон — командировкагача ҳам, кейин ҳам машинам бўлмаган... Мен дурадгорлик қилишни севаман. Рўзғоримиздаги ҳамма нарсаларни ўзим ясаганман...

(«ТРУД» рўзномасининг шу йил 9, 10 январь сонларидан таржима қилинди).

(Давоми. Боши рўзноманинг 19, 22 январь сонларида).

ИШЧИ-ДЕҲҚОН МУХБИРЛАРИ ДОРИЛФУНУНИ ТАЛАБАЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Тошкент ҳақиқати» рўзномаси ҳузуридаги ишчи-деҳқон мухбирлари дорилфунунининг навбатдаги машғулоти — 25 январь жума куни соат 18.00 да 7-қават, 760-хонада бўлади.

Муҳаррир ўринбосари
Р. УМАРОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Пайшанба
24 ЯНВАРЬ

● ЎзТВ I

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Ҳар чинордан бир япроқ». ССЖИ халқ артисти Олим Хўжаев таваллудининг 80 йиллигига (такрор.).
9.45 Уктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 3-қисм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиликлар.
18.10 «Янги йил оқшомида», «Бэленел ва Мяунел Янги йил кутади», «Қор қиз». Мультфильмлар.
18.40 Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
18.55 «Алифбо сабоқлари». 2-босқич.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Халқ билан ҳамнафас». Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси VIII съезди олдидан.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ижод саҳифалари». Шоир Тўлан Низом. Адабий-мусиқий кўрсатув.
21.25 Тижорат хабарлари.
21.30 Москва. «Время».
22.15 Ойнаи жаҳон ҳазинасидан. Уктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 4-қисм.
23.25 Янгиликлар.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби.
19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.15 «Мерседес»даги кишининг далиллари». Бадиий фильм. 2-серия.

● МТ I

7.00 «Тонг» (120+30).
9.30 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра.
9.45 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
10.45 «Яна бир бор севги ҳақида». Концерт.
11.05 «Картон соатлар майдони». Мультфильм.
11.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
12.30 «ТСН».
12.45 «Австралия воқеалари». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм— «Австралиянинг олтин сири».

* * *

15.30 «ТСН».
15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия — «Уя».
16.40 «Биз излаймиз».
17.10 Болалар учун фильм. «Сузавер, кемача» («Ленфильм»).
18.25 «...16 ёшгача ва ундан каттолар».
19.05 Халқаро танловлар совриндори Д. Хворостовский куйлайди.
20.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра.
22.30 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Болгариядан кўрсатилади.
23.15 «Австралия воқеалари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм — Майк Маррейнинг ташвиши йўқ».
00.10 «Пи» белгиси билан». Тунги телевидение
01.40 «Оилавий шароитга кўра». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»).
02.45 Шоир Виктор Боков билан учрашув.

● МТ II

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
Ўқув программаси
9.15 «Олимпдан ўз ўрнингизни эгалланг». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Адабиёт. 8-синф. Н. А. Некрасов. «Катта эшик олдидаги мулоҳазалар».
10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.40 Табиатшунослик. 2-синф. Ўрмонда қиш.
11.55 Компьютер билан мулоқот.

*

13.00 «Биз — лўлилармиз». Москва «Ромэн» лўлилар театрининг фильм-спектакли.
14.25 «Санъаткорнинг қайтиши». Фильм-концерт.
15.25 РСФСЖ шаҳарлари телестудиялари. «Ўтмиш билан келажак оралиғида» (Қозон).
16.15 Ритмик гимнастика.

* * *

17.30 «Томошабинлар меҳри совгини» кинофестивали. «Кўча портрети». Ҳужжатли фильм премьераси. Москвага ҳақиқат излаб келган доғистонлик милиционер М. Шамилов ҳақида («ЦСДФ»).
17.50 Волейбол. Европа чемпионлари кубоги. Эркаклар. МАСК —«Филипс» (Италия).
18.35 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
19.15 Давлат чукотка-эскимос «Эргирон» ансамблининг концерти.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Доню лақабли маймун боласи ҳақида». 1-қисм.
20.45 «Машшоққа ўқ узманг». Телевизион ҳужжатли фильм (Минск).
21.15 Бутунроссия танловининг совриндори С. Лукин чалади (домра).
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
22.15 «Асраб, авлодларга етказ».
23.00 Хоккей. ССЖИ чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Крилья Советов».

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар —334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Буюртма — 4729. Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672.